



Абдулазиз МАНСУР,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари



## ХУРСАНДЧИЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Аллоҳ таолога чексиз ҳамду сано, Пайғамбаримизга дуруд, салавот ва саломларимиз бўлсин.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибга (яъни, Мадинага) келганларида бу шаҳар аҳлининг байрам қиладиган икки куни бор эди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бу кунлар ҳақида сўрадилар. “У кунлари биз жоҳилият даврида ўйинкулгу қилардик”, дейишди улар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло у иккисини сизлар учун энг яхши – Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларига алмаштирди”, дедилар.

Бу икки улуғ байрамдан бири – Қурбон ҳайитини нишонладик. Юртимиз мусулмонлари бу файзли, шукуҳли кунни юқори кайфиятда ўтказди. Муҳтарам Юртбошимизнинг фармонига кўра, ҳар йили ҳайитларимиз дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳам байрамимизга ўзгача мазмун бахш этади.

Ҳайит кунлари ота-оналарни эъзозлаш, қариндош-уруғларни, ёр-дўстларни, устозларни, кексаларни зиёрат қилиб, дуоларини олиш, ногиронлар ҳолини сўраш мусулмонларга ярашиқли, савоби улуғ ишлардир.

Бирор сабабга кўра аразлашган, гинакудуратли ака-ука ё таниш-билишлар ҳам ҳайит шарофати билан бир-бирларига кучоқ очсинлар. Чунки кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш чин мўминга хос олий фазилатдир.

Расули акрамдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишиларга хайру саховат кўрсатиш бобида кўплаб ҳадиси шариф ривоят қилинган: “Бир-бирларингдан алоқани узманглар, бир-бирларингдан юз ўгирманглар, бир-бирларингга ҳасад қилманглар, Аллоҳнинг яхши оға-ини бандалари бўлинглар” (*Имом Термизий*); “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқани боғласин” (*Имом Бухорий, Имом Муслим*); “Мўмин киши ўзи тўқ бўла туриб, қўшнисини оч қўймайди” (*Имом Аҳмад*).

Баъзилар ҳайит кунларида исрофгарчиликка сабаб бўладиган, динимизда йўқ турли маросимлар ўтказишни одат қилиб олишган. Яқинлари вафот этган хонадонларда ҳайит хурсандчилигига раҳна соладиган маросимлар ўтказилади. Бу ишлар бидъатдан бошқа нарса эмас. Мўмин-мусулмон исрофга, байрам кунини мотамга айлантиришга, хурсандчилик ўрнига ғам-қайғуга берилмайди. Бидъату хурофий тадбирларга кетадиган маблағларни муҳтожларга, фақир-мискинларга, етим-есир, бева-бечораларга тарқатган яхши. Чунки ҳайит мусулмонларнинг шод-хуррамлик, кўнгил олиш, меҳр-оқибат байрами. Уни динимиз талабларига мувофиқ, йиғи-сиғисиз, хурсандчилик билан, хуш кайфиятда ўтказиш зурур.

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин! Қалбларимиз ва хонадонларимизга ушбу қутлуғ байрамнинг файзу баракоти ёғилсин.

# БЕПАРВОЛИК ИЛЛАТИ

Одамлар орасида барҳам топиши зарур бўлган ишлардан бири бепарволик касаллигидир. Унинг олди олинмаса, урчиб, кўпчиликни гирдобига тортади. Бепарво, лоқайд бўлиш ахиллик, хамжихатлик каби фазилатларнинг емирилишига, турли моддий-маънавий жиноятларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “(Эй мўминлар), **агар мўминлардан бўлган икки тоифа** (бир-бирлари билан) **урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглари!**...” (Хужурот, 9)

Бозорларда, кўчаларда бир-бири билан жанжаллашаётганларни кўрсак, тан олайлик, кўпинча томоша қиламиз, холос. Уларни яраштириб қўйиш хаёлимизга ҳам келмайди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор ножўя иш қилаётганини кўрсангиз, кўлингиз билан қайтаринг, бунга кучингиз етмаса, тилингиз билан қайтаринг. Бунга ҳам имкон топмасангиз, ҳеч бўлмаса, кўнглингизда у ишга норози бўлинг, бу имоннинг энг заиф даражасидир”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Динимиз нотўғри ҳолатларга бепарво бўлишдан қатъий қайтаради, уни иложи бори-ча тезроқ тузатишга тарғиб этади.

Биз бу қоидаларга амал қиляпмизми? Кўча-кўйда бир-бирини уят сўзлар билан ҳақорат қилаётган болаларни кўриб, “Менга нима, менинг болам эмас-ку...” деган ўйда жимгина ўтиб кетаверамиз. Бу ишимиз хато! Чунки у сизнинг бўлмаса, қўшнингизнинг ё маҳалладошингизнинг дилбанди. Балки унга таъсирчан услубда насиҳат қилсангиз, ширин сўз билан тилга эрк бериш нотўғри эканини тушунтирсангиз, эҳтимол, бир умр ана шу сўкишни оғзига олмас. Унутмайлик, жамият ислоҳи, унинг тўғри йўлда ривож топиши замондош инсонларнинг, яъни ҳар биримизнинг турли ёмонликлар, жумладан, лоқайдликни, бепарволикни ташлаб, яхшиликлар сари нечоғлик интилишимизга боғлиқ.

Нўъмон АБДУЛМАЖИД

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззок ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Анвар ТУРСУН

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Абдулҳамид ТУРСУН

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Исомиддин ОЛИМОВ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Муҳтарама УЛУҒОВА

(Масъул котиб)

Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
хамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Матнни

Раҳима КАРИМЖОН кизи

терди.

Манзилимиз

100002 Тошкент шаҳри

Заркайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 240-08-23, 227-34-30.

Интернет сайтими: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)

Интернет почтаими: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2011 йил 7 ноябрда рухсат берилди.

Босмахонага 2011 йил 10 ноябрда топширилди.

Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 41.000 нусха.

2002-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа

акциядорлик компаниясида босилди. Тош-

кент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Хидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Қутлов</b>	
Абдулазиз МАНСУР	
<b>Хурсандчилик, меҳр-оқибат байрами....</b>	<b>1</b>
<b>Таянч нуқта</b>	
<b>Бепарволик иллати .....</b>	<b>2</b>
Азимжон ҚОСИМОВ	
<b>Ҳаж таассуротлари</b>	
<b>Ҳажимизни мабрур айла .....</b>	<b>5</b>
<b>Ўзбек тили – давлат тили</b>	
Абдуллоҳ НУРУЛЛОҲ ўғли	
<b>Тил миллий бойлигимиз .....</b>	<b>6</b>
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Ўғилчаҳон ҚУРБОНОВА	
<b>Кўнглим қувнайди .....</b>	<b>7</b>
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Гулобод ҚУДРАТУЛЛОҲ қизи	
<b>Қалб мунаввар бўлади .....</b>	<b>10</b>
<b>Долзарб мавзу</b>	
Шарафиддин СУВОНОВ	
<b>Динимиз маҳдудликка қаршидир .....</b>	<b>11</b>
<b>Тадқиқот</b>	
Олимхон ИСАХОН ўғли	
<b>Расулulloҳнинг (алайҳиссалом)</b>	
<b>фарзандлари .....</b>	<b>12</b>
<b>Машҳур аёллар</b>	
<b>Зебуннисо бегим .....</b>	<b>14</b>
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Бобониёз ҚУРБОН	
<b>Қандай сабоқ беришади? .....</b>	<b>15</b>
Саидкомил АБДУЛЛАЕВ	
<b>Акамнинг ёнига ошиқдим .....</b>	<b>15</b>
<b>Олисларга саёҳат</b>	
<b>Доғистон Республикаси .....</b>	<b>16</b>
<b>Мазҳабимизни ўрганамиз</b>	
Алоуддин МАНСУР	
<b>Уламолар мазҳабошимиз ҳақида .....</b>	<b>18</b>
<b>Болалар саҳифаси</b>	
Ҳидоят ОЛИМОВА	
<b>Икки тилла танга .....</b>	<b>21</b>
<b>Шеърят</b>	
Йўлдош ЭШБЕК	
<b>Бахт самари ила тўлар қўлимиз .....</b>	<b>24</b>
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Дониёр МУРОДОВ	
<b>Абдуллоҳ Субазмуний .....</b>	<b>26</b>
<b>Рангин туйғулар</b>	
Зебунисо ҲУСАЙН	
<b>Кичикликда катталиқ .....</b>	<b>29</b>
<b>Момоларимиз айтади.....</b>	<b>29</b>
<b>Мерос</b>	
Мирзо Умар ДАРБАНДИЙ	
<b>Фазлингни тобон эт .....</b>	<b>30</b>
<b>Тиббиёт бурчаги</b>	
Парда ЖЎРАЕВ	
<b>Асабингизни асранг .....</b>	<b>32</b>

## Тафсири

ЗИЁН КЎРУВЧИЛАРДАН  
БЎЛМАНГ

4

Инсон табиатан ялқов, нафс истаклари, бойликка ҳирс уни ибодатлардан тўсади. Баъзилар ҳой-ҳавас кетидан юриб, ажали келганини ҳам пайқамай қолади. Кучқувват борида ибодат қилиб, пушаймон бўлмасдан бурун мол-мулкни фақат яхшиликка сарфлаш керак.

## Саҳобалар ҳаёти

## МУОЗ ИБН ЖАБАЛ

– Уйғонганимда келаётган тунни кўра оламанми-йўқми – билмайман. Уйкуга кетишимдан олдин тонгни кўра оламанми-йўқми – билмайман. Яна қадам босиб юраётганимда кейинги қадамимни боса оламанми-йўқми – билмайман. Хаёлимда, ўтиб кетган қавмларга қиёматда китоблари берилаётганини, жаннат аҳли роҳатланаётганини, гуноҳкорлар эса қийналаётганини кўргандай бўлавераман.

8

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Муаммолар ҳал этилмоқда

23

Франция мусулмонлари кенгаши президенти Муҳаммад Мусовий тобора ортиб бораётган эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, бутун мамлакат бўйлаб 150 та янги масжид қурилиши режалаштирилаётганини айтган эди. Ҳозирча жой етишмаслиги сабаб жума намозлари кўпинча кўчаларда адо этиляпти. Аҳолисининг чорак қисми мусулмонлар бўлган Марсел шаҳрида етти минг кишилик жоме қуриляпти.

## Насихат

## ҲАЗРАТ

## УМАРНИНГ ХУТБАСИ

Ҳақ сўзни айтиш кишининг ажалини яқинлаштирамайди, ризқини узоқлаштирамайди. Билинглари, банда ва ризқи орасида бир парда бор. Агар у сабр қилса, ризқи унга келади. Агар сабр қилолмай, пардани мажбурлаб очмоқчи бўлса, ҳам парда йиртилади, ҳам ризқидан бебаҳра қолади.

31



# ЗИЁН КЎРУВЧИЛАРДАН БЎЛМАНГ

*Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Эй имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин! Ким шундай қилса, ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир. Сизларнинг (ҳар) бирингизга ўлим келганида: “Ё Раббим! Мени озгина (тирик) қолдирсанг-чи, мен садақа қилиб, солиҳ бандалардан бўлсам!” деб қолишидан илгари Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилинганлар. Аллоҳ бирор жонни ажали келганида кечга қолдирмас. Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингиздан хабардордир» (Мунофиқун, 9-11).*

Инсон табиатан ялқов, нафс истаклари, бойликка ҳирс уни ибодатлардан тўсади. Баъзилар ҳой-ҳавас кетидан юриб, ажал келганини ҳам пайқамай қолади. Кучқувват борида ибодат қилиб, пушаймон бўлмасдан бурун мол-мулкни фақат яхшиликка сарфлаш керак.



Оятдаги “зикр”дан мурод “Исломда буюрилган фарз амаллардир”, дейди Имом Ҳасан. Имом Заҳҳок: беш вақт намоздир, дейди. Бошқа баъзи олимлар “зикрдан мурод Қуръон каримни қироат қилиш”, дейишган (“Фатҳул Қадир”).


Имом Заҳҳок айтади: “Қодир бўлиб, ҳаж қилмаган, молидан закот бермаган кимса ўлими олдидан бир муддатга бўлса ҳам (шу амалларни бажариб қолиши учун) дунё ҳаётига қайтишни истайди...”

Банданинг ҳар бир эзгу нияти, қилган яхши амали ажрсиз қолмайди. Ҳатто йўлдаги тош ва тиконларни олиб ташлаш ҳам, яхши сўз, чиройли муомала ҳам, ёки яхшилик қилолмаган кишининг ёмонлик қилмаслиги ҳам садақадир. Суффа аҳлидан бўлган, мол-дунёси йўқ саҳобалар садақа қилишга қурбимиз етмай, савобдан маҳрум қоляпмиз, деб шикоят қилишганида, у зот (алайҳиссалом): “Бойлар қилаётган садақаларнинг савобига сизлар тасбеҳ, таҳлил ёки истиффор айтиш билан етишасизлар”, деганлар.

Фарз, вожиб садақаларнинг ошқора қилинишида бошқаларга ибрат бўлиш ёки унутганларнинг эсига солиб қўйиш каби фойдалар бор. Аммо нафл садақаларни “ўнг қўл берганини чап қўл сезмайдиган” даражада яширин қилиш керак. Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анху) айтади: “Ихтиёрий садақаларни пинҳона қилиш (савоби) ошқора қилинганидан етмиш даража, фарз садақа (закот, ушр, қурбонлик, фитр каби)ларни эса ошқора қилиш (савоби) пинҳон тутилганидан кўра йигирма беш марта ортиқдир”.

Инсон ҳалол касб қилган нарсаларидан садақа қилиши лозим. Қўлда имконимиз борида молларимизни эзгу ишларга сарфлайлик. Аллоҳ таоло ҳеч биримизни зиён кўрувчилардан қилмасин.

Абдувоҳид ҲУРОЗОВ  
тайёрлади.



## ҲАЖИМИЗНИ МАБРУР АЙЛА

Учокда муборак диёрга етиб келганимиз ҳақидаги хабарни эшитиб, беихтиёр кўзимдан ёш куйилди. Раҳмоннинг меҳмони бўлиб, Каъбатуллоҳни тавоф этиш, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) Равзаларини зиёрат қилиш менга ҳам насиб этиб турибди. Бу кунларга етолмай, ҳажга интилиб, армонда кетган ота-боболаримиз озмиди.

Бирин-кетин ҳаж арконларини бажаришга киришдик. Барчанинг усти-боши бир, ҳамма товозеда. Аммо инсон барибир хушёр бўлмоғи керак. Шундай азиз, мўътабар жойларда ҳам шайтон йўлдан уришга шай туради. Озгина кибру ҳаво, манманликка берилсанг бас, улуғ ибодатнинг ажридан маҳрум бўласан.

“Ҳаж қилдим, ҳожи бўлдим”, деб ғурурланиш хато. Чунки бир бежо ҳаракат катта савобни йўққа чиқариши мумкин.

Умра ва ҳаж амалларини адо этиш жараёнида қийинчилик, ноқулайлик, азият чекиш, турганиш-сурганиш каби ҳолатлар учрайди. Шунда сабрли, одобли бўлиш талаб этилади. Ҳожиларимиз бир зум ҳам бу жихатни хотирларидан фаромуш қилмаслиги керак. Шахсан ўзимда шунга ўхшаш бир воқеа содир бўлди. Сафодан Марвага кетаётган эдик. Бир бола ногирон аёл ўтирган аравагани бошқариб бораётган эди. Аравача ғилдираги оёғимга қаттиқ урилди, кўзимдан олов чиқиб кетди. Жон аччиғида зарда билан: «Ўҳ-ўҳ,

сени!» деб юбордим. Бола индамай, бош ирғаб, узр сўраган бўлди. Оғриқ босилиб, хушим ўзимга келди. Яхши одоб,

сабр намунасини кўрсата олмаганимдан хижолатда қолдим. Қачон ўша воқеани эсласам, афсусланаман.

Ҳажни Аллоҳ ризолиги учун холис адо этиш керак. Одамлар бизни “ҳожи” деб улуғлашсин, деб ўйласак хато қиламиз. Каъбатуллоҳга илк бор кўзимиз тушганида: «Эй Аллоҳ, ушбу Байтнинг шарафини, улуғлигини, ҳурматини ва яхшилигини зиёда қил», «Ҳаж ва умра қилувчилардан ким уни шарафласа ва улуғласа, ўшанинг ҳам ҳурматини ва яхшилигини зиёда қил» деб ният қилганимизнинг ўзи етарли. Ният ва дуоларимиз қанчалик ижобат бўлиши Аллоҳ таолога ҳавола. Ўзимизни ўзимиз шарафлашимизга ёки буни тамаъ қилишимизга ҳеч бир асос йўқ.

Юртга қайтиш куни етиб келди. Байтуллоҳга бориб видолашув тавофини адо этдик. Бу тавоф ҳам умра ва ҳажнинг фарз тавофларидек адо этилиши вожиб экан. Аллоҳ таолога илтижо қилиб дуолар ўқилди. Ҳожиларимиз бу ерда дилидаги бор эзгу тилакларни Аллоҳдан сўрашди. Мен бу жойда ҳажга энди навбатда турган бошқа юртдошларим, яқинларим келишсин, дея Аллоҳ таолога илтижо қилдим.


Азимжон ҚОСИМОВ



**Т**

ил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси ҳамдир. Шу сабаб ҳам “Тил бойлиги – эл бойлиги” дейишади. Тилни асраш, авайлаш, бойитиш, мазмунли сўзлаш ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Қадимда элчиларнинг тилига, гапириши оҳангига разм солиб, халқининг маданияти, дини ва урф одатларигача илғаб олишган. Адиблардан бири: “Тил – миллатнинг юрагидир” деган эди.

## ТИЛ МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ



Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганига йигирма икки йил тўлди. Йигирма биринчи октябр ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида тарихимизга муҳрланди. Ўзбек тили Мавлоно Лутфий, ҳазрат Алишер Навоидан то шу кунларгача машаққатли ва олис йўлни босиб ўтди. Аждодларимиз, адибларимиз асрлар давомида ўзбек тилининг давлат тили бўлишини орзу қилишди. Бугун эса баъзилар ушбу неъматнинг қадрига етмай, тилимизни бузиш, хато талаффуз қилиш каби ҳолатларга эътиборсиз. Ҳолбуки ҳамма тилни ҳурматлаш одобини, нутқ маданиятини ўрганиши зарур. Буни оиладан, таълим муассасаларидан бошлаш керак.

Зеро, оғзаки нутқ маданиятини билиш тилга ҳурмат – элга ҳурмат маъносида ҳам юксак фазилат ҳисобланади.

Кўчалардаги реклама ёзувларида ҳам, дўконларнинг тепасида ҳам имловий хатоларни ёки соф ўзбек тилидан чекиниш ҳолларини кўриб, ачиниб кетасан.

Олти ёшли жияним ҳеч кутмаган пайтимда: “Салон красоты”га оборинг, деб қолди. Ғалати эшитилган бу сўзни тушунмагандай опамга қарадим. “Тоғаси, бу сартарошхонани айтяпти. Ўзиям икки кундан бери хархаша қилади”, деди опам. Эътибор қилинса, жойлардаги ҳар беш-олти соч парваришлаш, олдириш ўринларидан биттаси “Сартарошхона” ёки “Тўзаллик салони”, қолганлари эса “Салон красоты” бўлган. Бир дўкон тепасига “2000 hildagi oboylar” деб ёзиб қўйишибди. Биринчи сўзда “х” харфи ўрнига “h”ни, иккинчисида эса русча “обой” сўзига ўзбекча “лар” қўшимчаси қўшилган. Ушбу иборани чиройли қилиб, соф она тилимизда “2000 xildagi gulqogoz” деб ёзса бўлади-ку! Шу сингари, машиналарда: “Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф” каби ибораларни ўқиган киши йўловчиларга ҳам лицензия бериладими, деб хайрон бўлмайдими?

Эҳтимол, айримлар “Салон красоты” атмасига анча кўникиб қолгандир. Ўқишни энди ўрганаётган боғча боласи ёки мактабга бораётган ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз хижолатсиз “Салон красоты”, деб гапиришяпти, шундай ёзишяпти ҳам.

Бу каби лоқайдлигимиз ортида тилимизга ҳурматсизлик, кўр-кўрона тақлид, тил қоидаларини бузиш каби иллатлар ётгани наҳот сезилмаётган бўлса. Келажак авлодни билимли, ватанпарвар, миллий анъаналаримизга содиқ, она тилимиз жонқуярлари қилиб тарбиялашимиз зарур эмасми?..

Абдуллоҳ НУРУЛЛОҲ ўғли

الهداية ۱۴۳۲ ۱۱



## ИНСТИТУТДА БАЙРАМ

21 октябр куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 22 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда тиллар кафедраси мудир Ибодулла Ахроров, нотиклик санъати ўқитувчиси Шухрат Қаюмов истиқлол йилларида она тилимизга берилган эътибор тўғрисида сўзлашди. Тадбир меҳмони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик тилнинг миллат равнақидаги аҳамияти, уни эъзозлаш, миллий ифтихор аслида нима экани ҳақида гапириб берди. Хурматли адибимиз она тили миллат кўзгуси эканини қайта-қайта уқтирди. Шунингдек, имом-хатиблар адабий тил меъёрларига риоя этган ҳолда ваъз қилишса, насиҳатлари таъсирли, самарали бўлишини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда ҳозир диний нашрларда айрим атамалар турлича қўлланаётгани, олимлар, мутахассислар уларнинг ёзилиши борасида бир тўхташга келишлари зарурлиги тўғрисида ҳам фикрмулоҳазалар билдирилди.

Қизиқарли савол-жавоблар, талабалар ижросидаги сахна кўринишлари туфайли байрам тадбири янада марокли, қизиқарли ўтди.

**Муҳаммад СИДДИК**

## КЎНГЛИМ ҚУВНАЙДИ

Ҳар йил ҳайит яқинлашаверса, болалигимда бўлган бир воқеа эсимга тушади...

Ўша вақтларда Мозортаги қишлоғидаги мактаб орқасида харобага айланган, лекин ички ва тепа безаклари жилосини йўқотмаган масжид биноси мунғайиб турарди. Биз қулфланган безакдор эшик тиркишидан хонақоҳ ичини томоша қилардик. Уни обод қилишга ҳам ҳеч ким ботина олмасди. Намозхонлар эса қабристон четига қурилган кичик хонақоҳда тўпланишар, ҳайит намозлари ҳам шу ердаги супада ўқилар эди. Маҳалла аҳли ясаниб, томошага чиқарди.

Етмишинчи йилларнинг боши... Комфирқа одамлари ҳайит намозини масжидда ҳам ўқитишмайди. Намозга тўпланган жамоа нима қиларини билмай қолади. Шунда дадам: “Юринглар, ҳайит намозини ўқийдиган жой бор”, дейдилар. Одамлар дадамга эргашади.

...Эндигина кўча эшик олдини супуриб бўлган онам дадамнинг эрта қайтганидан ажабланди. Дадам шошилиб, қибла томонга шолча тўшади. Бир зумда ҳовли одамга тўлди. Биров қўйнидан жойнамоз олди, биров белбоғини ечиб ерга солди. Намоз ўқилди. Кишилар дуо қилиб тарқалишди. Дадам одамларни кузатгач, бизга ҳайитлик бердилар. Биз хурсанд, аммо онам... Ота-онам тортишуви анча давом этди. Уларнинг гапидан уқдим, ҳайит намози ўқилмасин деб шўро ташкилотидан вакиллар келган, хонақоҳга ҳеч кимни киритмай, ҳаммани тарқалишга буюришган экан.

Бу воқеадан сўнг онам анча вақтгача дадамдан хавотирга тушиб, сал кеч колсалар, илҳақ бўлиб, бизни хабар олишга жўнатардилар. Бу хавотирларининг сабабини кейинроқ тушундим...

Алҳамдулиллаҳ, ҳозир туманимизда саккизта жоме масжиди ишлаб турибди. Мозортаги қишлоғидаги эски масжид ўрнига ҳам мухташам жоме қурилган. Жума ва ҳайит кунлари эмин-эркин ибодат қилиб, яқинларига ҳайитликлар улашаётган отахонларни кўриб, кўнглим қувнайди.

**Ўғилчаҳон ҚУРБОНОВА,**

*Қува тумани*

# МУОЗ ИБН ЖАБАЛ

**Х**

азраж қабиласига мансуб Муоз ибн Жабал Иломни биринчи бўлиб қабул қилган мадиналиклардан эди.

Бу саҳобий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга ҳаёт синовларидан ўтди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан доим бирга бўлганлари боис у зотдан кўп нарсаларни ўрганди. Ҳатто Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Умматимнинг ичида ҳалол ва ҳаромни энг яхши билувчиси Муоз ибн Жабалдир”, дердилар.

Ямандан бир гуруҳ элчилар келиб, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига ҳақ йўлини кўрсатувчи устоз юборишни илтимос қилишди. Барча саҳобийлар бундай олий шарафга сазовор бўлишни истаб У зотдан ишора кутишарди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса уларга Муоз ибн Жабални (розийаллоҳу анҳу) жўнатдилар.

Сафар олдидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишига саволлар билан мурожаат қилдилар:

– Эй Муоз! Ҳукм чиқаришда нимадан фойдаланасан?

– Аллоҳнинг китобидан.

– Агар Аллоҳнинг китобидан топа олмасанг-чи?

– Расулининг суннатидан қидираман.

– Расулининг суннатида ҳам топа олмасанг-чи?

– Ақлимни ишлатиб масалани ечаман. Эринмайман.

Шунда Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларида хурсандчилик аломатлари кўринди. Қувонганларидан: “Расулуллоҳнинг элчисини Аллоҳ ва расули рози бўладиган ишларга мувофиқ қилиб қўйган Раббимизга ҳамд бўлсин”, дедилар.

\* \* \*

Муоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу) саҳобалар орасида илми ва фаросати билан ҳам ажралиб турарди. Ушбу воқеани Оизуллоҳ ибн Абдуллоҳ зикр қилади:

– Умар ибн Хаттобнинг (розийаллоҳу анҳу) даврида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларига бир қанча саҳобалар билан кирдик. Ўттиз нафардан ортиқ одам суҳбатлашиб ўтирган мажлисга қўшилдим. Улар Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитган ҳадисларини эслашарди. Ораларида қорачадан келган, ширинсухан истарали йигит ўтирарди. Менимча у қавмнинг орасидаги энг ёши





эди. Саҳобалар ҳадис айтишса, ўша йигит шарҳлаб, фатво берар эди. Сўрамасалар жавоб бермасди, яъни ортиқча гапирмас эди. Мажлис тугаганидан кейин унга яқин бордим ва сўрадим:

– Эй Аллоҳнинг бандаси! Сиз кимсиз?

– Мен Муоз ибн Жабалман – деб жавоб берди саҳобий.

\* \* \*

Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху) барча соҳада Муоз ибн Жабалнинг (розийаллоху анху) маслаҳати билан иш кўрар, унинг фатвосига таянар эди. Саҳобийга ҳурмати сабабли “Агар Муоз ибн Жабал бўлмаганида, Умар шак-шубҳасиз ҳалок бўларди”, дерди.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) вафот этганларида Муоз (розийаллоху анху) Яманда ул зот буюрган ишларни бажараётган эди. Абу Бакр (розийаллоху анху) вақтида Мадинага қайтиб келди.

Муоз ибн Жабал (розийаллоху анху) бой эди. Келганидан сўнг Умар ибн Хаттоб Абу Бакр (розийаллоху анхум) билан кенгашиб, Муоз ибн Жабалга (розийаллоху анху) молдан камбағалларга эҳсон қилишни маслаҳат берди. Муоз ибн Жабал (розийаллоху анху) эса ҳеч нима демади.

Эртаси куни тонгда Умар ибн Хаттоб Муозни (розийаллоху анху) ўз уйи олдида ҳаяжонланган, йиғлаб турган ҳолда кўрди. У киши йиғидан зўрға тийилиб, Умар ибн Хаттобга (розийаллоху анху) мурожаат қилди:

“Эй Умар, кеча кечаси туш кўрдим. Уммон гирдоби мени ўзига тортиб, ғарқ қилмоқчи бўлаётган эмиш. Шунда сиз келиб мени қутқариб қолдингиз...” Икковлари шу заҳоти Абу Бакрнинг (розийаллоху анху) олдиларига боришди. Муоз ибн Жабал Абу Бакрга (розийаллоху анхум) ўз молининг ярмини олишини ва муҳтожларга истаганича эҳсон қилишини айтди...

\* \* \*

Бир куни Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) Муозни (розийаллоху анху) тонгда учратиб қолдилар ва саволга тутдилар:

– Эй Муоз, уйқудан қай ҳолатда уйғондинг?

– Ҳақиқий мўмин бўлиб уйғондим, ё Расулulloх, – деди Муоз.

– Ҳар нарсанинг ҳақиқати бўлади, имонингнинг ҳақиқати нима?

– Уйғонганимда келаётган тунни кўра оламанми-йўқми – билмайман. Уйқуга кетишимдан олдин тонгни кўра оламанми-йўқми – билмайман. Яна қадам босиб юраётганимда кейинги қадамимни боса оламанми-йўқми – билмайман. Хаёлимда, ўтиб кетган қавмларга қиёматда китоблари берилганлигини, жаннат аҳли роҳатланаётганини, гуноҳқорлар эса қийналаётганини кўргандай бўлавераман.

Шунда Расулulloх (алайҳиссалом):

– Ҳақиқатни билибсан, унда бардавом бўлгин, эй Муоз, дедилар.

\* \* \*

Муоз ибн Жабал умрини инсонларни тўғри йўлга бошлашга, фойдали илм қолдиришга бағишлади. Абдуллох ибн Масъуд (розийаллоху анху) у киши ҳақида: “Муоз Аллоҳга бўйсунувчи, ҳақиқий мусулмон эди. Биз уни Иброҳимга (алайҳиссалом) ўхшатар эдик”, дер эди.

Муоз ибн Жабал (розийаллоху анху) қариндош-уруғлари билан Шомга кўчиб ўтади ва у ерда илм билан шуғулланади. Бир қанча муддат ўтганидан сўнг Шомнинг амири Абу Убайда ибн Жарроҳ вафот этади. Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху) Муоз ибн Жабални Шомга бошлиқ этиб тайинлайди.

Ўлим тўшагида ётган Умар ибн Хаттобдан (розийаллоху анху) кимни ноиб қилиб кетишини сўраганларида, Умар шундай дейди:

– Агар Муоз ҳаёт бўлганида уни албатта ўзимдан кейинги халифа қилиб қолдирардим. Раббимнинг олдида борганимда у мандан: “Муҳаммаднинг умматига кимни бош қилиб қолдирдинг?” деса, Раббимга: “Уларга Расулulloхнинг: “Қиёматда олимларнинг бошлиғи Муоз ибн Жабал бўлади”, деганларини эшитганим учун Муоз ибн Жабални қолдирдим”, дер эдим.

Муоз ибн Жабал (розийаллоху анху) Шомга бошлиқ этиб тайинланганидан сўнг бир неча ой умр кўрди ва 33 ёшида оламдан ўтди.

**Абу АЙЮБ**  
тайёрлади.

# ҚАЛБ МУНАВВАР БЎЛАДИ

Қуръони каримни кироат қилиш савоби катта амаллардандир. Аллоҳ таоло марҳамат қилган:

**“Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни баркамол адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар сира касод бўлмайдиган тижоратдан (ажру савоб бўлишидан) умидвордирлар. Зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлини уларга янада зиёда қилур. Албатта, У мағфиратли ва оз хайрли амалларни ҳам қабул қилувчидир”** (Фотир, 29-30).

Бу оятда биринчи Қуръон тиловат этиш зикр қилиниши Қуръони каримни ўқиш ва унга амал қилиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ажралмас сифати бўлиши лозимлигига ишорадир. Ҳар бир мусулмон намоз ўқиш учун керак бўлган сураларни ёддан билиши фарзи айндир. Қуръони каримни бутунлай ёдлаш фарзи кифоядир. Яъни, бир жамоадан айрим кишилар уни тўла ёдласа, бошқаларнинг зиммасидан соқит бўлади.

Усмон (розийаллоху анху) ривоят қилади: «Расуллуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Сизларнинг энг яхшиларин-

гиз, Қуръонни ўрганиб, уни ўргатадиганларингиздир”» (Имом Бухорий ривояти).

Қуръонни ёдлаш бошқа илмларни ҳам ўзлаштиришга ёрдам беради. Қуръон нурдир. Уни ёдлаган кишининг қалби мунаввар бўлади. Қалбнинг ободлиги имон-эътиқод ва Қуръон тилова-



ти билан бўлади. Ибн Аббос (розийаллоху анху) ривоят қилади: «Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Қалбида Қуръондан бир оят ҳам бўлмаган киши хароба уйга ўхшайди”, деганлар» (Имом Термизий ривояти).

Расуллуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эй Абу Зарр! Эрталаб туриб Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганишинг сен учун юз ракат нафл намозидан афзалдир”, дея марҳамат қилганлар.

Мусулмон киши Аллоҳнинг китобини имкони қадар ёдлаши керак. Зеро, Қуръонни ёд олган кишининг мақоми икки дунёда юксак бўлади. Қуръони каримни тўлиқ ёд олиш-

нинг бир қанча услублари бор. Қуйида улардан энг машхурларини келтирамыз:

**1-услуб.** Қуръон ярим бет ёки бир, икки, уч, тўрт, беш бетдан бошидан охиригача уч юз мартадан ўқиб чиқилади, иккинчи қайтаришда икки юз мартадан ва учинчисидан эса, юз мартадан такрор қилинади.

**2-услуб.** Олдин ҳар бир поранинг фақат бош бетлари ёдлаб чиқилади. Кейин иккинчи бетлари ёд олинади. Сўнгра учинчи, тўртинчи ва ҳокказо бетларини ёдлаш давом эттирилади. Бу услубда пораларнинг бўлиниш жойлари яхши ёдда қолади.

**3-услуб.** Ҳар бир бет юзтадан ўқиб чиқилади. Бир марта тўлиқ ёдлаб, хатм қилгач, иккинчи марта яна бошқатдан хатм қилишни бошлайди ва яна юзмартадан такрор қилади. Хатмни тугатгач, яна бошидан бошлайди. Шу тариқа саноғи мингтага етгунича такрор ёдлайверади.

**4-услуб.** Бир сура тўлиқ, пишиқ-пухта ёдланмагунча бошқа сурани ёдлашга ўтилмайди. Бу услуб Қуръонни охиридан бошига қараб ёд олишда қулай. Саҳобаларнинг (розийаллоху анхум) Қуръон ёдлаш услублари шунга яқин бўлган.

Гулобод  
**ҚУДРАТУЛЛОҲ кизи,**  
“Хадичаи Кубро” аёл-қизлар  
мадрасаси мударрисаси



Истиклолга эришгач, юртимизда миллий-диний қадриятларимизни, осори-атиқаларимизни тиклаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Масжидларимиз, тарихий обидаларимиз, меъморий ёдгорликларимиз, нодир қўлёзмаларимиз барча-барчаси ўзимизники бўлди. Ибодатларни адо этишида эркинлик берилди, қулайликлар яратилди. Диний маросимлар, байрамлар ҳаётимизга ошкора татбиқ этилиб, муносиб ўрин топди. Буларнинг бари ҳурриятимиз туфайлидир, Аллоҳ таолонинг биз бандаларига берган улуг неъматларидир. Бу неъматлар шукронасини адо этишимиз керак.

## ДИНИМИЗ МАҲДУДЛИККА ҚАРШИДИР

Минг афсус, баъзи тоифалар бу каби имконият ва кенгликларни суистеъмол қилиб, динимизга ёт таълимотларни одамлар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг фикрича, телевизор, радио ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин эмасмиш. Бундай гаплар динимиз ҳукмларидан эндигина хабар топаётган кишилар орасида иккиланишларни, тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Ислом дини таълимотлари барча замон, макон ва жамият талабларига тўла жавоб беради. Ҳозирги кунда ҳаётимизни телевизор, радио ва компютер каби техникаларсиз тасаввур этиш қийин. Мутаассиблик охир-оқибат жамиятни таназзулга олиб келишини оқил инсон яхши билади. Шу боис таассубга, маҳдудликка берилиш динимизда қораланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳадиси шарифларида мўмин кишининг жамият ичида бўлиб, унинг қувончи ва ғамига шерик бўлиши, одамларнинг ҳожатларини раво қилиши тоғу тошларга қочиб, ўзи билан ўзи овора бўлишидан яхшироқ эканини таъкидлаганлар. Зеро, Аллоҳ таолонинг раҳмати жамоат билан, кўпчилик билан биргадир. Шунинг учун ҳам одамларнинг ўзаро бир-бирлари ҳол-аҳволидан

огоҳ бўлиб, керак бўлса, кўмаклашиб туришлари жуда муҳимдир. Улуғ алломаларимиз жамоат намозларига катта эътибор берганларининг ҳикмати ҳам шундадир.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари барча масалаларда Қуръони карим, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суннатлари, ижмоъ ва қиёсга асосланган фатволар, ҳукмлар, қонун-қоидалар, йўл-йўриқларни очик-ойдин кўрсатиб беришган. Уларга асосланиб тўғри эътиқодда бўлиш, холис ибодат қилиш айрим “пешво”лар ёки уларнинг издошлари тарғиб этган нарсалардан минг чандон яхшидир. Зеро, муқаддас Ислом динимиз кимга бўлса ҳам эргашиш эмас, балки ҳар бир амал ва ҳаракатда фикр қилишга, ақл юритишга, маслаҳат-машварат қилишга чорлайди.

Хуллас, миллий истиқлол туфайли эришилган неъматлардан тўғри мақсадларда фойдаланиб, динда ғулувга кетмай, яратилган имкониятларни оқилона ишга солсак, соф исломий ақидадан адашмаймиз, иншааллоҳ, дунё ва охиратда саодат топганлардан бўламиз.

**Шарафиддин СУВОНОВ,**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Самарқанд вилояти вакиллиги ходими





*Севкли Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етти нафар: уч ўғил ва тўрт қиз фарзандлари бўлган. Улар: Қосим, Тоҳир, Иброҳим, Зайнаб, Руқаййа, Умму Кулсум<sup>1</sup> ва Фотима (розийаллоҳу анҳум).*

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Қосим Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўнғич фарзанди бўлиб, пайғамбарлик ваҳйи келишидан олдин туғилган. Ўн етти ойлик бўлганида вафот этган.

Ибн Исҳоқ ва бошқа олимлар Қосим пайғамбарлик келмасидан илгари вафот этгани ҳақида маълумот беришган.

Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу ўғилларининг номи билан “Абулқосим”, яъни “Қосимнинг отаси” деб чақиришган.

Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи ўғиллари Тоҳир ҳақида Зубайр ибн Баккор бундай дейди: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қосим ва Иброҳимдан бошқа Абдуллоҳ исмли фарзанди ҳам бор эди. Уни уч ном билан “Абдуллоҳ”,

“Тоййиб” ва “Тоҳир” деб чақирардилар. У гўдаклигида Маккада вафот этди”.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Иброҳим исмли ўғлигина қибтий Мория онамиздан (розийаллоҳу анҳо) туғилган, қолган барча фарзандлари Хадича онамиздан (розийаллоҳу анҳо)<sup>2</sup>.

Машҳур ривоятларда келтирилишича, Иброҳим хижрий саккизинчи йили Зулҳижжа ойида туғилиб, 18 ойлигида вафот этади<sup>3</sup>. Жанозасини Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари ўқиб, Мадинадаги “Бақиъ” қабристонига дафн этганлар.

Муғййра ибн Шўъбадан қилинган ривоятда айтилишича, Иброҳим вафот этган куни куёш тугилади. Шунда одамлар: “Куёш Иброҳим вафот этгани учун тугилди”, дейишади. Бу сўзни эшитган Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг ақидаларини тўғрилаш ва



қалбларидаги хато шубҳа-гумонларни тарқатиб юбориш мақсадида: “Қуёш ҳам, ой ҳам бировнинг вафот этгани ёки туғилгани учун тутилмайди. Агар улар тутилганини кўрсангиз, намоз ўқинг ва Аллоҳга дуо қилинг”, деб таълим берадилар<sup>4</sup>.

Баъзи манбаларда, жумладан, Ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-Набавия” китобида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қизларининг ёш жиҳатидан тартиби қуйидагича келтирилади: катталари Руқайя, сўнг Зайнаб, сўнг Умму Кулсум, сўнг Фотима (розийаллоҳу анҳунна). Аммо бошқа мўътабар манбаларда Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўнғич қизлари Зайнаб экани айтилади. Ибн Исҳоқ келтирган маълумотга кўра Зайнаб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 30 ёшга кирганларида туғилган катта қизидир. Ҳижратнинг 8-йили холаваччаси ва эри Абул Ос ибн Робеъ ҳузурида вафот этади<sup>5</sup>. Зайнабни қабрга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари қўйганлар<sup>6</sup>.

Зайнабдан Али ва Умома исмли икки фарзанд қолган. Али балоғат ёшига етиб-етмай вафот этган.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи қизлари Руқайя, у зот (алайҳиссалом) 33 ёшга тўлганларида туғилган. Ундан сўнг эса учинчи қизлари Умму Кулсум туғилган.

Руқайя ва Умму Кулсум Абу Лаҳабнинг икки ўғли Утба ва Утайбага унаштирилади. “Масад” сураси нозил бўлгач, Абу Лаҳаб икки ўғлини чақириб: “Агар Муҳаммаднинг икки қизидан кечмасанглар, оналаринг менга ҳаром бўлсин!” деб қасам ичади. Ўғиллари унинг айтганини қилишади<sup>7</sup>.

Сўнг Маккада ҳазрат Усмон (розийаллоҳу анҳу) Руқайяга уйланадилар.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учинчи қизлари Умму Кулсум Руқайя вафот этгач, ҳижратнинг учинчи йили, рабиул аввал ойида Усмонга (розийаллоҳу анҳу) турмушга чиқади. Шу сабабли Усмон (розийаллоҳу анҳу) “Икки нур эгаси” деган ном олади. Умму Кулсум Ҳазрат Усмондан (розийаллоҳу анҳу) фарзанд кўрмаган<sup>8</sup>.

Фотима (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 41 ёшга кирганларида туғилган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фотима менинг бир бўлагим, ким уни ёмон кўрса, мени ёмон кўрибди” деганлар (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Фотима 3 ҳижрий йили Али ибн Абу Толибга (розийаллоҳу анҳу) турмушга чиқади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) вафотларидан олти ой ўтгач, 29 ёшларида бу дунёдан охиратга кўчади.

Фотима (розийаллоҳу анҳу) Али ибн Абу Толибдан (розийаллоҳу анҳу) Ҳасан, Ҳусайн ва Муҳсин исмли уч ўғил фарзанд кўради.

Муҳсин ёшлигида вафот этади. Зайнаб ва Умму Кулсумга охирзамон Пайғамбарининг наслини давом эттириш насиб қилмади. Бу бахтга Фотима (розийаллоҳу анҳу) мушарраф бўлди. Унинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн авлодлари бутун ер юзига ёйилди.

Имом Ҳасаннинг (розийаллоҳу анҳу) авлодлари асосан араб диёрларида тарқалган. Имом Ҳусайн (розийаллоҳу анҳу) авлодлари эса Ўрта Осиёда ҳам кўп.

Сўзимиз ниҳоясида Аллоҳ таолодан биз умматларига чин кўнгилдан меҳр қўйган, жон куйдирган севиқли Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) даражотларини бундан-да баланд қилишини, у зотнинг авлодларидан рози бўлишини сўраб қоламиз.

**Олимхон ИСАХОН ўғли,**

*Имом Бухорий халқаро маркази ходими*

<sup>1</sup> Халқимиз кўпроқ “Умму Гулсум” дейди.

<sup>2</sup> Ибн Ҳишом. “Ас-сийра ан-Набавия” (3–4-жуз). Байрут. “Дорул Маърифат”. 2003. 540-бет.

<sup>3</sup> Абдул Олл Аҳмад Абдул Олл, Муса Шаҳин. “Манҳал Ҳадис”, 2-жуз. Тошкент. “Мовароуннаҳр”. 20-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба, 20-бет.

<sup>5</sup> Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит. “Ал Фихр ал Акбар” Миср. “Муҳаммад Али”. 1323 х. 98-бет.

<sup>6</sup> “Мақтаба аш Шамила” (22000 китобни жамлаган электрон кутубхона).

<sup>7</sup> Унаштириш маросими бекор қилинади.

<sup>8</sup> Саъд Юсуф Абу Азиз. “Рижал ва ниса хавлар ро-сул соллаллоҳу алайҳи ва саллам”. Қоҳира. “Дорул Фажр” нашриёти. 1999 йил. 500-бет.

# ЗЕБУННИСО БЕГИМ

Мумтоз шоираларимиздан бири Зебуннисо бегим 1639 йили Дехлида туғилган. У Бобурий шахзода Шоҳжаҳоннинг ўғли Аврангзебнинг кизидир. Онаси Дилрасо-бону Гулбадан бегимнинг авлодларидан.

Аврангзеб Қуръони каримни ёд билар, назми яхши кўрар, ўзи ҳам шеър ёзарди. Зебуннисо бегимни фозила аёл Ҳафиза Марям Бону тарбиясига беради.

Шоиранинг камолга етишида адабий муҳит таъсири кучли бўлган. Акаси Аъзамшоҳнинг адабиётга кизиқиши, саройда бўладиган мушоиралар унда шеъриятга ҳавас уйғотади. Шу боис отаси машхур олим Мулло Муҳаммад Саид Ашраф Исфаҳонийни кизига муаллим қилиб тайинлади. Зебуннисо бу олимнинг тарбиясида забардаст шоира, олима, созанда ва хаттот бўлиб вояга етишади. У настаълиқ, насх ва шикаста хат усулларида маҳорат билан матн кўчирган. У форс, араб тилларининг сарфу нахви, фикҳ, тарих фанларини пухта ўзлаштирган. Хусрав Дехлавий, Навоий, Бобур асарларини синчиклаб ўрганган, араб ва форс тилларида ижод қилган.

«Кобул» журналининг 10-сониди (1922 йили) Зебуннисо бегим ҳақида бундай маълумотлар бор: «Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуфга оид «Мунисул арвоҳ» асари ҳам бор. 769 varaқли «Зебут тафосир» (Тафсилар-

нинг гўзали)ни ёзди. Илоҳиётга доир “Зебан нашоот” асарини устозига бағишлади. Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуриламал бўлган «Фатавойи Оламгирия» («Шариат қонунлари мажмуаси») асарини форс тилига таржима ҳам қилдириди».

Зебуннисо бегим замонасининг оқила ва зукко кизи, ўша муҳитнинг баркамол зиёлиси, отаси шоҳ Аврангзеб Оламгири-нинг яқин маслаҳатчиси эди.

Зукко олима, ҳассос шоира Ҳиндистон олимлари, адабиёт ва санъат аҳллари-га кўп ғамхўрликлар қилиб, илм ва санъат-нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам тарихчилар унга юк-сак баҳо бериб, отаси ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни у илм ва одоб билан қозонди, деб таъкидлашган.

Мураккаб, зиддиятли даврда яшаб, ижод этган шоира 19 ёшидаёқ кўп аянчли воқеаларнинг шоҳиди бўлди. Мамлакатдаги нотинч ҳаёт, салтанат учун кураш-нинг авж олиши шоира дунёқарашини тубдан ўзгартирди, ижодида ижтимоий фикрлар чуқурроқ илдиз ота бошлади.

Зебуннисонинг асосий машғулоти — шеър ўқиш ва ёзиш, мусиқа тинглаш, илм олиш эди. Шеърлар билан бирга одоб ва ахлоққа доир рисоалар ҳам ёзди. Шеърлари Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида машхур бўлди. Ҳазаллари ўзбек халқининг севимли кўшиқларига айланган. Ҳозик, Хиромий, Нодир, Собир Абдулла ва бошқалар Зебуннисо ҳазалларига мухаммаслар боғлашган.

Шоиранинг 8000 мисрали девони (ҳазаллари), 7 қасидаси, 5 таржеъбанд ва бир мухаммасигина сақланиб қолган. Баъзи манбаларда шоиранинг «Махфий» тахаллуси билан ҳам ижод қилгани айтилади. XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида кўчирилган «Девони Махфий» Зебуннисога нисбат берилади. Зебунни-



со асарлари кўлёмаси дунёдаги кўпгина кутубхоналарда, шу жумладан, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ҳам сақланади.

Зебуннисо бегим ҳижрий 1113 йили (милодий 1702) 63 ёшида вафот этади. У Деҳлидаги «Зарзарий» қабристонига, Низомиддин Авлиё, Амир Хусрав Деҳлавий қабри ёнига дафн этилган.

**РАЙҲОНА**  
*тайёрлади.*

### ЗЕБУННИСО

\* \* \*

Зулфи ҳалқа-ҳалқаю кўзи қаро бу ердадур,  
Боқиши шафқатли ю нозик адо бу ердадур.

Киприги ханжар, карашма тиғу кўз ташлаш яшин,  
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадур.

Қаъбага бормоқ на хожатдур, агар дил овласанг,  
Бехуда йўллар кезар бу халқ, ризо бу ердадур.

Изладим бир-бир жаҳонда бўлса ҳар неча китоб,  
Кўрдиму Хаттингни дедим: муддао бу ердадур.

Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳик,  
Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадур.

\* \* \*

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,  
Тоғу тош кезгим келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Мендан ўргандию бўлди гулга булбул ҳамнишин,  
Менгадур парвона ҳам шогирду ишқимдур расо.

Зоҳиримдур ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,  
Ўз ичида сақлагандек қип-қизил рангни хино.

Баски, қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,  
Кийди мотам тўнинию бўлди қадди ҳам дуто.

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр,  
Бас, менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

**Мунирхон МУИНЗОДА**  
*таржимаси*

### Қандай сабоқ беришади?

Автобусда кўтарилган шовқиндан довдираб қолдим. Тик турган кексароқ аёл ўриндикда ўтирган ёш жувонга ёшини пеш қилиб, жой бўшатишини сўраб бақирар, жувон эса касал ва ногирон эканини тушунтиришга уринарди.

Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалган. Жувоннинг касалмандлиги афт-ангоридан кўриниб турарди. Кап-катта аёлнинг бу ҳолни билмасликка олиб, шовқин солиши ҳеч кимга ёқмади, албатта. Кекса аёлга бошқа одам жой берди, аммо у манзилига етгунича жувонни қарғаб кетди...

Ўйлаб қоламан: “Айрим катталарнинг жамоат жойларида, кўчакуйда бундай йўл тутишлари ёшларга қандай таъсир қилади? Бундай инжиқ катталар ёш авлодга сабоқ берадиларми?”

**Бобониёз ҚУРБОН,**  
*Тошкент*

### Акамнинг

#### ёнига ошиқдим

Дўстимни кўргани бордим. Отаси вафотидан сўнг сал ўзини олдириб қўйибди. Яхши хотираларни эслашиб, анча суҳбатлашдик.


– Отам раҳматли охирги йиллар тинмай томоқ қирадиган бўлиб қолувдилар. Тўғриси, малол олиб, каттиқроқ гапирган, ҳатто дўстлар, кўни-қўшниларидан ҳижолат тортиб, танбех берган пайтларим ҳам бўлган. Отам эса... катта бошини эгиб: “Атайлаб қилмаяпман, болам, қаричилик...” дердилар... Ўшанда кўнгилларидан нималар ўтган экан-а?! Озор берганларимни эсласам...

Унинг дарди, соғинч кўзёшлари кўнглимни эзди – бир шаҳарда турсак-да, кўришмаганим акамни ўйлай бошладим. Тезроқ ёнига боришга ошиқдим...

**Саидкомил АБДУЛЛАЕВ,**  
*Сурдарё*



**Жуғрофий ўрни.** Доғистон жанубда Озарбойжон, жануби-ғарбда Гуржистон, ғарбда Чеченистон, шимоли-ғарбда Ставропол ўлкаси ва Қалмикия Республикаси билан чегарадош. Худудининг шимолдан жанубгача ўртгача узунлиги 400 км., ғарбдан шарққача эса 200 км. атрофида. Доғистоннинг шимоли ва марказида мўътадил-континентал, курук, жанубида – Касбийбўйи пасттектисликлари ва денгизи соҳилида субтропик чала курук иқлим ҳукмрон.



# ДОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



**Майдони:** 50 270 кв. км.  
**Аҳолиси:** 3 миллион киши.  
**Пойтахти:** Маҳачқала шаҳри.  
**Тузumi:** республика (Россия Федерацияси таркибиди).  
**Давлат боилиғи:** президент.  
**Маъмурий тузилиши:** 42 та туманга бўлинади.  
**Йирик шаҳарлари:** Маҳачқала, Дарбанд, Хасавюрт.  
**Пул бирлиғи:** россия рубли.

**Тарихи.** Ҳозирги Доғистон худуди, айниқса, ўлканинг тоғли ерлари тарихий манбаларда турлича аталган. Ном баъзан кўшни элатларга нисбатан олинган бўлса, баъзида худудни забт этган фотиҳлар унга ўз тилларида от қўйиб олишган.

Айрим тарихчилар “Тоғлар ўлкаси” маъносини берувчи қадимги “Албания” мамлакати ҳозирги Доғистон худудида бўлганини таъкидлашади. Араб тарихчиси Ал-Куфий X асрда бу ўлкани “Ард ас-сарир”, яъни “Подшолик мамлакати” деб атаган. Гуржи тарихчилари эса Доғистонга “Лекетия” деб ном беради. “Доғистон” номи XVII асрдан маълум, у туркийча “Тоғлар ўлкаси” деган маънони англатади.

Доғистон худудида палеолит давридан бошлаб одамлар яшаб келади. Милоддан олдинги

1-минг йиллик охирида Доғистон аҳолиси йирик давлат – Кавказ Албанияси фуқаролиғига ўтган. Милодий III асрда жанубий Доғистонни сосонийлар босиб олган. IV асрга келиб, Каспий соҳилларини хуннлар эгаллайди. 664 йили Доғистонни араблар фатҳ этади. VI–XI асрларда пойтахти Хунзах бўлган Сарир подшоҳлиғи ҳукмронлик қилган. Ушбу подшоҳлик XI–XII асрларда инкирозга юз тутгач, бу ерда пойтахти Қози Қумух бўлган Шамхал мусулмон қироллиғи ташкил топади. 1239–1240 йиллари ўлкани мўғуллар босиб олади. XIV асрга келиб, Доғистон худуди теурийлар салтанати таркибига киради. XVI аср ўрталарида марказлашган Рус давлати ташкил топгач, Доғистонга кизиқиши кучайди. 1722 йили Пётр I кўшинлари Доғистоннинг денгиз соҳилларини босиб олади. 1735 йилги Ганжа шартномасидан сўнг бу жойлар Эронга топширилди. 1813 йили Гулистон сулҳ шартномасига биноан Доғистон яна Россия қарамоғига ўтди. Аммо оқ подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати тоғликларнинг қўзғолонларига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 30-йилларида тоғли халқларнинг мустамлакачиликка қарши миллий





озодлик ҳаракати бошланди. Ҳаракатга Доғистон ва Чеченистон имомлари – Ғози Мухаммад, Ҳамзатбек ва Шомил раҳбарлик қилди. 1817–1864 йиллардаги Кавказ урушлари натижасида кўзғолон бостирилди.

1917 йил 1 декабр куни бу ҳудудда ҳам Шўро ҳокимияти ўрнатилгани эълон қилинди. Аммо 1918–1920 йилларда немистурк кўшинлари ва оқ гвардиячилар ҳудудни босиб олишди. 1920 йил март ойида қизил армия кучи билан Доғистонда яна шўролар ҳокимияти тикланди.

1920 йил 13 ноябрда Доғистон халқларининг фавқулодда қурултойида болшавойларнинг тазйиқи



билан Шўро мухториятини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1921 йил 20 январда РСФСР таркибида Доғистон АССР ташкил қилинди. Шу даврдан то 1991 йил майгача Доғистондаги иқтисодий тараққиёт, маориф, фан ва маданиятнинг ривожини бирёқлама йўлдан борди. 1991 йил май ойида Доғистон Республикаси ташкил топди. 1994 йили Доғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. 2006 йили Муху Алиев Доғистоннинг биринчи президенти этиб тайинланди.

**Иқтисоди.** Саноат маҳсулотининг 80 фоизи озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноатга тўғри келади. Иқтисодиётида энергетика ва нефть қазиб олиш, қурилиш материаллари, кимё саноати ҳам қатта аҳамиятга эга.

Энг йирик электр станциялари – Чирюрт, керкебил ва Чиркей ГЭСлари. Табиий газ қазиб олиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал саноати ривожланган.

Доғистон гилам тўқиш ва заргарлик бобида қадимдан машҳур. Қишлоқ хўжалиги боғдорчилик, узум ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Чорвачилигида эса кўйчилик, гўшт-жун етиштириш асосий ўринни эгаллайди.

Темир йўллари узунлиги 435 км., автомобил йўллари узунлиги 9600 км. Ҳаво транспорти Маҳачқалани бошқа шаҳарлар билан боғлайди. Маҳачқала йирик порт шаҳридир.

**Аҳолиси.** Доғистонда туғилиш кўп, мамлакат 2002–2010 йиллар орасида аҳоли сони бўйича Россиянинг жуда кўп ўлкаларини орта қолдирди. Ҳозир Доғистон Россия Федерациясида аҳоли сони бўйича 13 ўринда.

Мамлакатда кўп халқлар ва элатлар яшайди. Шу сабабли 14 та тилга давлат тили мақоми берилган. Аварлар (29,4 фоиз), даргинлар (16,5 фоиз), кўмиқлар



(14,2 фоиз), лазгинлар (13,1 фоиз) нисбатан кўпчиликни ташкил этишади.

**Дини.** Аҳолининг асосий қисми – тўқсон беш фоизи мусулмонлар. Шунингдек, мамлакатда православ насронийлари, яҳудийлар ҳам бор.

Ўлкага мусулмонлар – савдогар ва ҳарбийлар VII асрдаёқ келишган. Дарбанд шаҳрида VIII асрда қурилган Россия ҳудудидаги энг қадимги масжид сақланиб қолган. Тарихда доғистонликлар шарқ халқлари билан мустақкам савдо алоқаларини ўрнатишган. Қадимшунослик қазилмалари шундан далолат беради. Доғистонда Ислом дини секин-аста тинчлик йўли билан ёйилган.

**Орифжон МАДВАЛИЕВ**

*тайёрлади.*



**А**ҳли сунна ва жамоа мазҳаби имомларидан энг улуғи, Ислам миллатининг фақиҳи Имом Абу Ҳанифа ҳижратнинг саксонинчи йили Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилганлар. Бир неча саҳоба билан суҳбатдош бўлганлари, хусусан, Анас ибн Моликни (розийаллоҳу анҳу) ва яна етти-саккиз нафар саҳобани кўрганлари ривоят қилинади. Имоми Аъзам улуғ чашмалардан – Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) кўрган кишилардан баҳра олган зотдирлар. Ривоятларда яна Абу Ҳанифа тобеинлардан тўрт минг кишидан дарс олганлари ва шунча саноқдаги одам у кишидан дарс олиб, олим бўлиб етишигани айтилади. Шунинг учун у зотни барча тан олади, уламою фузало “Имоми Аъзам”, яъни, “Улуғ имом” дея, ўзларидан устун ва илгари қўяди.

## УЛАМОЛАР МАЗҲАББОШИМИЗ ҲАҚИДА

Замондошларидан Яҳё ибн Маъин бундай гувоҳлик беради: “Абу Ҳанифа ниҳоятда ишончли эдилар, қайси ҳадисни тўла ёд билсалар, ўша ҳадисни айтар, тўла ёд билмаган ҳадисни ривоят қилмас эдилар”.

Бундай сифат кам учрайди. Яъни, Абу Ҳанифа фақат ҳадисдан бир ҳарф бўлса-да ё нари, ё бери бўлишини кўтаролмас, ҳадис мазмунини тўлиқ билсалар-да, етказишда бирор сўз алмашиб қолишидан ҳавотирда уни ривоят қилишга ботинмас эдилар. Бу баҳо у зотнинг замондошлари томонидан берилган. Мана, орадан минг йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бугун у кишини яхши танимаганлардан: “Имом Абу Ҳанифа кам ҳадис ривоят қилган”, деган гаплар ҳам чиқиб қолади. Бу каби баёнотлар, албатта, билимсизлигимиз оқибати. Аслида Имоми Аъзам Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган ҳадисларини худди Куръон оятлари каби аниқ ёд билган кишигина тилга чиқариши мумкин, деган талабчанлик билан ёндашганларидан, кўп ҳадис билсаларда, уларни ривоят қилмаганлар.

Демак, тарихда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларини етказишда ишончли саналган бир неча киши бўлиб, шулардан бири Имом Абу Ҳанифа эканлар. Бу жуда катта мартабадир.

Шофиъий мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай деган эдилар: «Моликдан<sup>1</sup> “Абу Ҳанифани кўрганмисиз?” деб сўралди. У киши: “Ҳа, кўрганман. Мен шундай одамни кўрдим, агар у мана шу рўпарадаги устунни тилла экан деб айтса, албатта шунинг тилла эканига ҳужжат келтирар эди”, деб жавоб берди».

Эътибор қилинг: бошқа мазҳаб етакчиси Абу Ҳанифа қандай одам бўлганига учинчи мазҳаб эгасининг сўзларини далил келтирмоқда. Бу ҳол уларнинг эътирофлари қанчалик кўламли ва самимий эканини кўрсатади.

<sup>1</sup> Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) – моликия мазҳаби асосчиси, Имом Абу Ҳанифадан ёшроқ, Шофиъийдан каттароқдирлар. Шофиъий Имом Абу Ҳанифа вафот қилган йили туғилганлар.

Фақиҳ Абу Абдуллоҳ Ғомярий бундай дейди: “Абу Ҳанифа қозиликка буюрилди. Хато ҳукм чиқариб қўйиб, Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлиб қоламан, деган хавфда бу ишдан бош тортдилар. Қайта-қайта таклиф бўлди, қабул қилмадилар. Оқибат, қозилик мансабини олмаганлари учун ўн дарра урилдилар, сўнг зиндонга ташланиб, ҳибсда дунёдан ўтдилар”.

Қаранг, Имоми Аъзам жиноят учун эмас, адолатсизликка сабабчи бўлиб қолмаслик ташвишида обрўли мансабни эгаллашдан бош тортганлари туфайли зиндонда вафот қилдилар. Такво шу қадар эди! Демак, у киши гаплари роса далилланмаса, аниқ ояти каримадан, саҳиҳ ҳадислардан, суннатдан, саҳобалардан ҳужжатлари бўлмаса, гапирмаганлар. У кишининг мазҳабидаги ҳар бир масала шу даражада ишончлидир.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари, Ислому оламида тан олинган улуғ зот Абдуллоҳ ибн Муборакдан: “Молик фақиҳроқми ёки Абу Ҳанифами?” деб сўралди. Шунда у киши: “Абу Ҳанифа”, деб жавоб бердилар.

Истилоҳда “фиқх” сўзининг маъноси — динни англаш, оят, ҳадиснинг тагига етиш, умуман, Ислому динининг мағзини тушунишдир. Билиш — “илм”, тагига етиб, бутун чуқурлиги билан моҳиятни англаш “фиқх” дейилади. Дунёда фикх дарсини бошлаб берган зот Имоми Аъзамдилар. Яъни, оят ва ҳадисларнинг лафзигагина асосланиб ҳукм чиқармасдан, айтилаётган гапнинг қачон ва қай ҳолатда, нима учун айтилаётганини ўрганиб, шу гап бошқа ўринда ҳам айтилганми ёки йўқми — ҳаммасини



солиштириб, барча вазиятларни ҳисобга олган ҳолда “Бундан шу маъно чиқади”, деб англаб-англатиш Абу Ҳанифа тамал қўйган ишдир. Буни бутун дунё тан олади. Шу маънода, ким фақиҳроқ экани тўғрисидаги саволга Ибн Муборакнинг олимлар шаҳри бўлмиш Мадинаи мунавваранинг энг пешқадам олими Имом Моликдан ҳам Абу Ҳанифани фақиҳроқ деб жавоб беришлари бежиз эмас.

Ҳарибий айтади: “Абу Ҳанифага икки хил одам тош отади:

ё ҳасадгўй, ё жоҳил...”

Замондошлари орасида Имоми Аъзамга кимдир тош отган бўлса, бу фақат ҳасаддан бўлган. Кейинги даврларда, жумладан, бизнинг замонимизда у зотни камситадиган одамлар фақат нодонлиги, жоҳиллиги учун, Абу Ҳанифа кимлигини, умуман, динни билмагани учун бу ишни қилади. Шу икки тоифадан бошқаси у кишига тил теккизмайди. Аксинча, унга ҳамма раҳмат айтади, эргашади, барча у зотни тан олади.

Улуғ олимлардан Яҳё ибн Саид Қатган дейди: “Аллоҳни, Унинг динини ҳақ деб биламиз, Аллоҳ номи билан айтаман: биз Абу Ҳанифанинг фикридан чиройлироқ фикрни эшитган эмасмиз. Абу Ҳанифа бир масала ҳақида фикр айтса, энг тўғри, энг гўзал фикр шу кишиники бўларди. Бошқа олимлар у кишининг даражасига етолмасди. Шунинг учун биз у кишининг фикрларини олганмиз”.

“Агар Имом Абу Ҳанифанинг илмини унга замондош ҳамма олимлар илми билан тарозига солинса, Абу Ҳанифанинг илми оғир келар эди”, дейди Али ибн Осим.

У кишига замондош олимлар бизнинг замонамиздаги ёки бундан беш юз йил олдинги олимлар эмас, балки саҳобаларни кўрган олимлар эдилар. Қаранг, шуларнинг ҳаммасининг билими кўшилиб, тарозининг бир палласига, Абу Ҳанифанинг илмлари иккинчи паллага қўйилса, Имоми Аъзам ҳазратларининг илмлари оғирлик қиларкан.

Ислом оламида тан олинган олимларнинг буюк имомимиз ҳақидаги бу эътирофларини беҳуда келтирмаймиз. Қандай улўф устозга эргашаётганимизни, имомимиз, мазҳабимиз раҳбари Қуръону ҳадисни, Ислом динини бизга бу даражада мукамал



етказган инсон эканини шояд яхшироқ танисак, жохил бўлиб қолишдан сақлансак, озгина бўлса ҳам кўзимиз очилса ва алалоқибат, яхшиликлар қадрига ҳам етсак.

Етук олимлардан бири Ҳафс ибн Файёз диққатга сазовор бундай фикрни айтади: “Абу Ҳанифанинг фикр ҳақидаги гапи шеърдан нозикроқ”.

Бир карашда оддий туюлган бу сўзларни биз бежизга диққатга сазовор демадик. Назм жуда нозик сўзлар билан ифода этилиши ва шу тарздаги гўзал иборалар тўпламидан шеър туғилиши маълум. Абу

Ҳанифа фикр – масала ҳақида гапирар эканлар, худди илҳом билан шеър оқиб келганидек, балки ундан ҳам нозикроқ, ундан ҳам чиройлироқ қилиб етказардилар. Шунинг учун Абу Ҳанифани фақат жохил одамгина айблайди, ақли бор одам у кишини танийди ва албатта эътироф этади.

Тобеинлар улуғи, муҳаддис олим Аъмашдан бир масала ҳақида сўралди. Шунда у зот: “Бу масалага энг яхши жавобни ипакфуруш (у кишининг шундай касблари бўлиб, ипак дўконлари ҳам бор эди) Нўъмон ибн Собит беради. Менинг ўйимча, Аллоҳ Нўъмон ибн Собитга илмда барака берган”, деган эдилар. Ислом оламида энг тан олинган инсонлардан бири “Бу масалани менадан сўрама, мен билмайман, жавоб қилишга ҳаққим йўқ. Бу масалага энг чиройли жавоб айтадиган Абу Ҳанифадир”, деяптилар!

Имом Шофиъийнинг машҳур сўзлари бор: “Фикрда барча олимлар Абу Ҳанифанинг оила аҳлидир. У зотга тенг келиб масала айта оладиган киши йўқ”.

Яна бир олим, Абу Ҳанифанинг афзаллигини исботлашга ҳожат йўқ, дея: “Ким кундузнинг кундуз эканига бир далил топиб бер, дейдиган бўлса, у ҳолда одамларнинг зеҳнида тўғри нарсанинг ўзи йўқ экан-да?!” деган мазмундаги шеърни келтирган экан.

Ажабо! Кундуз пайти, ёруғда туриб, кундузнинг кундуз эканига ҳужжат талаб қилиш қандай бўлади? Абу Ҳанифанинг қандай олим эканига ҳужжат айт, дейиш ҳам худди шундай иш. У кишининг олимлиги кундузнинг ёруғлиги каби очиқ-ойдин. Агар одамлар у зотнинг олимлигини тан олмасалар, унда улар ҳеч нарсани тўғри деб билмас эканлар-да, демоқчи олим.

Замондошлари ва улардан кейин келган уламолар – дунё тан олган шахслар Имоми Аъзамни мана шу даражада таърифлайдилар.

Имом Абу Ҳанифа ҳижратнинг юз эллигинчи йили, етмиш ёшларида дунёдан ўтдилар. Қабрлари Бағдод шаҳрида.

Алоуддин МАНСУР



– Ёрдам беринглар, ҳақиқа берадиган тилла тангаларим бор.

Шунда Салимнинг дўсти Ҳасан шу кўчадан ўтиб қолди ва дарров ёрдамга шошилди ва уни ўрадан чиқариб олди.

– Раҳмат, жўра. Сен бўлмаганингда, ҳолим нима кечарди. Мана бу тангаларни баққолнинг дўкони олдидан топиб олдим. Эгасини суриштирмай, ўзимники қилдим. Бировники буюрмас экан, ошна, – деб ваъда қилгани – тангаларни Ҳасаннинг қўлига тутқазди.

Ҳасан эса:

## ИККИ ТИЛЛА ТАНГА

Ҳайит тонги Салимга отаси икки тилла танга бериб, тайинлади: “Бирига ўртоқларинг билан ширинлик олиб е, иккинчисига укаларингга ҳолва келтир”.

Аммо Салимнинг нафси ҳакалак отиб, бир тилла танга ёнимга қолса фойда, деб ўйлади ва ўртоқларига:

– Отам ҳайитлик деб берган тангаларини йўқотиб қўйдим. Сизларни ҳолва билан сийламоқчийдим, – деб ёлғон гапирди ва ўзини афсуслангандек кўрсатди.

Салимнинг кўнгли тоза Ҳасан исмли дўсти бор эди. У Салимни юпатиб, “бу гал сенда бўлмаса, менда бор-ку”, деб баққолнинг дўконига бошлади.

Тангалар ёнида қолгани, маза қилиб ҳолва еганидан хурсанд Салим отамга тангаларни йўқотиб қўйдим, дейман деб хаёл қилди. Уйга келганида эса, чиндан ҳам тангалар чўнтагидан тушиб қолган эди. Шунда отасининг: “Ким ёмон ниятда бир иш бошласа, охири вой”, деган гапи ёдига келди ва қилмишидан афсусланди.

Салим йўқотган тангаларни Шермат исмли бола топиб олди. У тангаларни кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди, аммо фалокат босиб, йўлдаги каттагина ўрага тушиб кетди. Қанча уринмасин бировнинг кўмагисиз у ердан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Одамларни ёрдамга чақира бошлади:

– Яхшилик эвазига пул олинмайди. Ёрдами учун бирор нарса таъма қилиш ёмон иш” – дея тангаларни рад этди.

Шермат унинг сўзлардан таъсирланди.

– Яхши бола экансан. Шу пайтгача кўп ёмон ишлар қилдим. Бундан кейин мен ҳам сенга ўхшаб яхши бола бўламан. Шу кунгача ҳеч кимга ҳайитлик бермагандим, – деб Ҳасанни баққолнинг дўконига бошлаб борди. Икки тиллалик ҳолва олиб, Ҳасанга тутқазди ва: “Бу ҳайитлик сенга, қўлимни қайтарма”, деди.

Шунда Ҳасан отасининг: “Ким бировга холис яхшилик қилса, Аллоҳ, албатта, мукофотини беради”, деган гапларини эслади.

Қўлида совға билан уйига йўл олди, аммо Салимнинг пулини йўқотиб, хафа бўлгани ёдига тушди ва тўғри ўртоғининг уйига қараб юрди.

Бу пайт Салим дўстига, отасига ёлғон гапиргани, укаларига ҳайитлик олиб келмагани учун ўзини айблаб, хомуш ўтирарди. Ҳасан унга бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир гапириб берганида, Шермат топиб олган тангалар ўзиники эканини билди. Ёмон ният қилгани учун жазоланганини ўйлаб, хижолат тортиди. Аччиқ ва оғир бўлса-да, дўстига ҳақиқатни айтишга қарор қилди...

Ҳидоят ОЛИМОВА

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Норвегияликлар ишонишади



Норвегиянинг “NRK” таҳлил ташкилоти яқинда ўтказган сўровга кўра, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи Ислom дини уларнинг маданиятига зарар етказмайди деб ҳисоблайди, 24 фоиз аҳолигина тескари фикрда.

Сўралувчиларнинг 42 фоизи оиласидагилар мусулмон билан никоҳдан ўтишини маъқуллаган. Бунга қарши бўлганлар розилардан икки барабар кам. Қарши бўлганларнинг 65 фоизи мусулмон танишлари йўқлигини таъкидлаган. Улар асосан эркаклар ва маълумоти юқори бўлмаган кишилардир. Аёллар ва олий маълумотли норвегияликларнинг асосий қисми мусулмонларни қўллаб-қувватлаган.

## Зилзиладан сўнг ҳаёт ўнганмоқда

Фалокат юз берган Туркиянинг Ван ва Эркис шаҳарларида электр таъминоти тикланди, алоқа тизими ҳам ишга туширилди. Бошпанасиз қолганларнинг барчаси чодирларга жойлаштирилгани таъкидланмоқда.

Мамлакатга дунёнинг турли ўлкаларидан инсонпарварлик ёрдамлари келиши давом этмоқда. Жума намозиди марҳумлар



ҳаққига тиловат қилинди. Туркияда байрамлар ва тантаналар тўхтатилди.

## Ёт зояларга қарши кураш

Чеченистоннинг “Диний-маърифий тарбия ва камолот маркази” кўпоровчилик ва бузғунчилик ғояларига қарши кураш лойиҳасини амалга оширмоқда. Марказ ходимлари мамлакатнинг турли нукталарида учрашувлар ўтказиб, тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Диний-маърифий тарбия бўлими бошлиғи Айюб Асоев сўзларига кўра, ушбу лойиҳа узоқ муддатга, кенг омма учун мўлжалланган. Лойиҳанинг жуғрофий худуди жуда кенг. Мамлакатнинг барча туманларида тадбирлар ўтказилади.

Диний-маърифий тарбия бўлими бошлиғи Айюб Асоев сўзларига кўра, ушбу лойиҳа узоқ муддатга, кенг омма учун мўлжалланган. Лойиҳанинг жуғрофий худуди жуда кенг. Мамлакатнинг барча туманларида тадбирлар ўтказилади.

## Қуръоннинг ўзига хос нусхаси

Эронда очилган Халқаро матбуот ва ахборот агентликлари кўرғазмасида коинотга олиб чиқилган Қуръони карим нусхаси намойиш этилди. Муқаддас китобни “СО-ЮЗ ТМА-01М” ҳаво кемасида россиялик фазогир Александр Калери 2010 йилнинг 8 октябрида коинотга олиб чиққан. Китоб самоди 159 кун турган ва жорий йилнинг 16 март куни Ерга олиб тушилган.

Қуръони каримни фазога олиб чиқиш эронлик журналист ва дипломат Сирус Борзу ташаббуси эди. Бу ўзига хос кўрғазма эронликларда катта қизиқиш уйғотди.



## Демократик сайловлар олдидан

Қатар амири Хамад ибн Халифа Таний 2013 йили мамлакатда илк бор демократик сайловлар ўтказилишини эълон қилди. Унинг сўзларига кўра, фукаролар амир ҳузуридаги Маслаҳат кенгаши аъзоларини сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу кенгаш ижро ҳокимиятига йўл-йўриқ кўрсата олади.



“Биз замонавий давлат куриш, янги давр олдимизга қўяётган муаммоларни ижобий ҳал этиш ва мамлакатимизни ривожлантириш учун ана шундай ўзгариш зарур деб ҳисобладик. Халқимиз бу масъулиятни яхши уддалайди деб умид қиламиз”, деди амир.

## Мусулмонлар тинчлик тарафдори



Янги ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра, Канада мусулмонлари диний хилма-хилликни ҳурматлаш ва қонунларга амал қилиш борасида

бошқаларга намуна экан.

“Текширишлар Канадада Ғарб мусулмонларининг энг бағрикенг, очик фикрли, дарёқўнгил вакиллари яшашини кўрсатди”, деди Вашингтондаги махсус кенгаш президенти Даниел Пайпс.

МакДоналд Лорие институти ўтказган “Мусулмонлар нима истайди?” мавзудаги тадқиқот мусулмонларнинг кўпи тинчлик-тотувлик тарафдори бўлиб, турли кўпоровчилик ва бузғунчилик, айирмачилик ва гуруҳбозлик каби салбий ҳолатларга буткул қарши эканини яна бир бор исботлади.

## Бойқўнгирда биринчи масжид

Бойқўнгир фазо станциясида илк масжид очилди. “Масжид муборак Курбон ҳайити арафасида ишга тушгани нур устига нур

бўлди”, деди Қозоғистон муфтийи Абдусаттор Дербисали.

Масжид космодром дарвозасига яқин жойда қад ростлади. Масжид таркибида тўрт юз кишилик хонақоҳ, йигирма тўрт метрлик иккита минора, кутубхона, ошхона ва бошқа хўжалик иншоотлари бор.

## Муаммолар ҳал этилмоқда

“La Stoix” газетаси буюртмаси билан Франция ижтимоий фикр институти ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Франция аҳолисининг 3,8 фоизи Ислом арконларига фаол амал қилар экан.

Мамлакатдаги 6 милён мусулмоннинг 41 фоизи “амалларни мунтазам бажариши”ни билдирган.

Шу йил август ойида Франция мусулмонлари кенгаши президенти Муҳаммад Мусовий тобора ортиб бораётган эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, бутун мамлакат бўйлаб 150 та янги масжид қурилиши режалаштирилаётганини айтган эди. Ҳозирча жой етишмаслиги сабаб жума намозлари кўпинча кўчаларда адо этиляпти. Аҳолисининг чорак қисми мусулмонлар бўлган Марсел шаҳрида етти минг кишилик жоме қуриляпти.

## Соғлом турмуш тарзи учун

Чекиш, маст қилувчи ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш барча динларда қораланади. Бундай иллатлар замонавий жамиятда катта муаммолардан биридир.



Доғистон техника университетида “Биз чекишга қаршимиз!” шиори остида тадбир ўтказилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи хилма-хил ахборот-таълим машғулотлари, суҳбат ва анжуманлар ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш соҳасининг вакиллари, спортчилар билан учрашувлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Йўлдош ЭШБЕК

## Бахт самари ила тўлар қўлимиз

### Дунёга

келгандир қанчалаб одам,  
 кўпи шодлик истаб кўриб кетган ғам,  
 демакким, ғам чеккан бахти қародир,  
 балиқми бахтиёр ёки дарёдир,  
 аввал англа, келиб-кетмоқ не ўзи,  
 шундан келиб чиқар маъно – бахт сўзи,  
 данак-дарахт бир-биридан ҳосилдир,  
 бир-бирига дўниб бахтга восилдир,  
 дунёнинг ибтидо-интиҳоси бор,  
 ўзи имтиҳону иқтидоси бор,  
 ким кимга эргашди қандай ва нечун,  
 ҳар ким жавоб берур ўз йўли учун,  
 данак танга, тана баргга эргашди,  
 бари самарга ё дардга эргашди,  
 ким иллатни самар дея адашди,  
 данакка қурт тушди, ерга қамашди,  
 амали номашру орзуси ҳумой,  
 эккани арпа-ю, кутгани буғдой,  
 адли йўқ, талаби доим адолат,  
 нолийди дуч келса кулфат, ҳамоқат,  
 уруғ изғиринда ниш уриб қўйди,  
 бевақт амал қилди, жонидан тўйди,  
 тўпидан айрилган айиқ паришон,  
 ҳақни ҳалаф билган, миллатни ошно,  
 миллатнинг маъноси асл эътиқод,  
 йўқса, миллат йўқдир, йўқдир эътимод,  
 яъни, у бир қавм, маърифати йўқ,  
 зоҳиран ободу басийрати йўқ,  
 басийрати йўқнинг йўқ таълифоти,  
 бўлмагай ҳеч қачон олий сифоти,  
 дунёга келдингми, итоат айла,  
 тани, ҳар ишингни ибодат айла,  
 маърифат берганни билмоқ маърифат,  
 эҳсонига куллуқ қилмоқ маърифат,  
 йўқса ҳар илмнинг бирор нафи йўқ,  
 унинг ўзи бало, бало дафъи йўқ,  
 манфаатсиз илм маърифат эмас,  
 у бир портлағички, этгайдир абас,  
 келиб-кетиш маъносидир танимок,  
 ихё этар чин маърифат – ғаний мох  
 нури билан ойдин бўлар йўлимиз,  
 бахт самари билан тўлар қўлимиз,  
 орифларга насиб этгай камоли,

энг олий бахт – Онинг олий жамоли...  
 йиғилари дилларига шарҳ бўлди,  
 ошиқларки, висолига ғарқ бўлди,  
 дунё бахти дунё каби фонийдир,  
 у киприк коккунча қиска, онийдир.

### Ватан

Ватан йўқдир менга осмонинг қадар,  
 чаман йўқдир менга ёбонинг қадар.  
 Пахтанг очилган гул менга йироқларда,  
 ҳар не азиз юртда, ноёб тупроқларда,  
 тиконинг мадх этса тўрғай биёбонда,  
 солар булбул навосидай титроқларга.  
 Ҳар ён чаман, чамандай гул гиламларда,  
 ўрин босмас, тенг келмайди қуроқларга,  
 юртим кўрки кўклам, ишқу нақш биландир,  
 бунда ғурбат тикон каби оёқларга,  
 уйлари кўп, биланд экан қаватлари,  
 қават-қават ғам сиғмас том-тупроқларга.  
 Содик Йўлдош бўлгин, кўнглим, диёрингга,  
 сўкмоғи бўл, одам ўтсин хур тоғларга,  
 Йўлдош Эшбек юртда суюк, иззатли бўл,  
 жавоби бўл, кўнгил келган сўроқларга.  
 Ватан йўқдир менга ҳеч осмонинг қадар,  
 чаман йўқдир менга биёбонинг қадар.

### Тоғ

жилғаси каби кетиб борар йўл,  
 йўл юриб Октовга етиб борар йўл,  
 Зарбанддан бурилар Бойтўби сари,  
 Бойтўбида тўхтаб, сўнг йўрттар нари,  
 йўқ, тўхтар, “дунёнинг сўнгидир бу жой”  
 таъбир бу меҳмонга хосдир, хойнаҳой,  
 асли Зарбанд-Бойтўби дунё боши,  
 Нуротанинг эса кўзию қоши,  
 мен бўлса шу кўздан тушиб келганман,  
 бир жилғадай дунё бўйлаб елганман,  
 ҳайё-хуйт деб, кезиб-кезиб чопганман,  
 охир келиб шу Тошкентни топганман,  
 йўлнинг сўнги шу деб, юрмадим бошқа,



не кунлар келмади бу ғариб бошга,  
 яхшиси кўп бўлди – дўстлар тўп бўлди,  
 бу катта шаҳар-да... талотўп бўлди,  
 тушга кириб қолса агар Чилмайрам,  
 туш туш эмас, дейсиз гўзал бир байрам,  
 адабий тилда бу, майли, Чилмахрам –  
 Нурота чўққиси – мовий, нима тутарлар,  
 бағрини титарлар, нима кутарлар,,  
 кончилар мрамар деб ковлаб ўтарлар,  
 мрамардан ташқари топдилар яна  
 бағри ғиж-ғиж тилла – катта хазина,  
 аслида хазина одамларидир,  
 дунёда бетакрор хуш дамлардир,  
 одамлар бағри кон, нодир шаҳардир,  
 ҳар бирин кўксида ноёб гавҳардир,  
 битмоқ шарт эмасдир, бу бани башар,  
 бу кўнгул – олар мард, олмоқ ярашар,  
 ҳаёт ҳам, сафар ҳам бир туш аслида,  
 уйғонмоқ на гўзал баҳор фаслида,  
 бетакрор баҳор ҳам бир туш аслида,  
 туш кўрмоқ на гўзал баҳор фаслида,  
 мовий тушларни-да бузмоқ гунохдир,  
 диёрнинг туши ҳам буюк сабоқдир!

### Шамол

Уфорин таратиб боғлардан ўтдим,  
 не қаро, нафармон чоғлардан ўтдим,  
 не дард билан ёнган бағрлар аро,  
 ва дардсиз кесакдай соғлардан ўтдим,  
 маъсум гул ёшини сидириб майин,  
 кўксим қонаб гоҳ бутоғлардан ўтдим,  
 қайда эл деб ёнган дилларни кўрдим,  
 кўкси кирмас, буюк тоғлардан ўтдим,  
 доим бахт-шодликда ёнавермас дил,  
 гоҳ қайғу эпқини – охлардан ўтдим,  
 охларни бағримга босиб йиғладим,  
 Истиклолни топган кучоқлардан ўтдим.

### Онамнинг

қошига қандай бораман,  
 окладимми унинг оппоқ сутини,  
 тонг қушидек нолавор ёлвораман:  
 умрин узоқ айла! Менинг ўтимни

гуриллат, аланга бергин кўнгулга,  
 зеро, гул ундирар нур ўчоқ кўнгул,  
 онам ҳам термулсин бир кун бу гулга,  
 заҳматкаш қўллари, зотан, ўзи гул,  
 ким жафо чекибди – оғриғи пинҳон,  
 ўзингга етгайдир, Сенда(н) малҳами,  
 сабрли инсонга тўсиқмас осмон,  
 мустаҳкам қалъаси ишқи, алами,  
 амали самари, зафари тоғдир,  
 агар қўллар бўлсанг, нурли булоқдир,  
 мени ҳам ўнглагин, чанқоқ ерларга,  
 элтайин ёруғлик, шифо элларга,  
 онамнинг изида табассум мисол,  
 юртимнинг кўксида гўзал бўлсин ҳол,  
 барча оналарнинг дуоси каби  
 тушлар парвозига тўлсин кўк бағри!

### Тулпорим

От кишнаб туманларни  
 йўлдан кўтарса дейман,  
 фиғони гумонларни  
 дилдан кўтарса дейман,

шафақ йўқ – қизил туман,  
 кун заиф – алвон туғман,  
 фарёди ичдан сизиб,  
 оқ тулпорим тўқ қизил,

кўзимда бир мунг қолди,  
 юрагимда ун қолди,  
 ҳар ёқни босди туман,  
 уфқ устида кун қолди,

от кишнаб туманларни  
 шеърдан кўтарса дейман,  
 фиғони гумонларни  
 ердан кўтарса дейман!

### Туғ

Тошни қоқ бўлди уруғ,  
 ундан гул бўлди улуғ  
 машаққатдан кўркма, дил,  
 курашларда порлар туғ!

# АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИЙ

IX-X асрларда Мовароуннахр ўлкасида ҳадисшуносликнинг шаклланиши, тараққий қилишига улкан ҳисса қўшган олимлар қаторида муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Имом Ҳофиз Абдуллоҳ Субазмуний Ҳорисий Калободий (258–340 х./872–952 м.) алоҳида ва ўзига хос ўринни эгаллайди.

Абу Ҳафс Насафий (ваф. 1142 й.), Абдулкарим Самъоний (ваф. 1167 й.), Абдулқодир Қураший (ваф. 1373 й.), Абдулхай Лакнавий (ваф. 1887 й.), Ибн Кутлубуғо (ваф. 1475 й.), Ҳожжи Халифа (ваф. 1609 й.), Абдулхай ибн Имод Ханбалӣ (ваф. 1679 й.) каби олимларнинг асарларида Имом Абдуллоҳ Субазмуний, унинг илмий мероси ҳақида қисқача маълумотлар берилган, холос<sup>1</sup>.

Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 1142 й.) «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида Субазмуний 258 ҳижрий/872 милодий йили рабиул охир ойи чоршанба куни таваллуд топган, деб ёзади<sup>2</sup>.

“Субазмуний” нисбаси туғилган жойи номидан олинган. Бу ном манбаларда турлича, масалан, “Субазйун”, “Сабазмун”, “Сабзамун” тарзида ҳам учрайди. Алломага деярли замондош олим Абдулкарим Самъонийнинг «Ал-Ансоб» асарида “Субазмун” деб аталган.

Бухоронинг Арабон даҳасида хонақоҳ услубидаги бир масжид бор. Ҳозиргача сақланган ушбу масжидни Имом Абдуллоҳ Субазмуний қурдирган ва у «Абдулло Сафедмўйи масжиди» номи билан атаб келинмоқда. Бухоро шаҳрининг 6-мавзеида «Ҳожа Абдулло Сафедмўйи» номли мазор ҳам бор.

Абдуллоҳ Субазмуний тиришқоқлиги боис фақиҳ, муҳаддис, тилшунос олим бўлиб етишади. У ўз даврида кўплаб ҳадислар билладиган катта шайх саналган. Сарой аҳли ундан доимий равишда маслаҳатлар олиб турарди. Унга «Устоз» лақабини берганлар<sup>3</sup>. Илм-

фанга ташна фақиҳ Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз шаҳарларига саёҳат қилганидан «Ал-Жаввол» (жаҳонгашта, саёҳатчи) номини ҳам олган<sup>4</sup>.

Машҳур муҳаддис Валиййуллоҳ Дехлавий (1703-1762) «Шамсул аимма Хилвоний, Абу Али Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний «асҳоб ал-вужух» («эътиборли кишилар») тоифасидан бўлиб, ҳанафий фақиҳлари доимо уларга таяниб иш кўрадилар», деган<sup>5</sup>.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг муҳаддис устозлари орасида ҳофизлар<sup>6</sup>, айниқса, ҳанафий мазҳаби ҳадис илмининг ривожланиши ва кенг ёйилишида алоҳида хизмат кўрсатган уламо-лар кўпчиликини ташкил этади.

Аллома сафарлари давомида нафақат ҳанафий олимлар, балки бошқа мазҳаб вакилларида ҳам ҳадислар эшитиб, яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Бу фикрга унинг асарларида Имом Молик ибн Анас (ваф. 795 й.), Имом Шофийий (ваф. 820 й.) ва Имом Аҳмад ибн Ханбал (ваф. 855 й.) каби мазҳаббошилар орқали ривоятлар келтиргани яққол далил бўла олади.

«Кашф ал-осор» асаридаги маълумотларга таяниб, Абдуллоҳ Субазмуний уч юз йигирма нафар ровий-устоз (шайх) орқали Имом Абу Ҳанифага бориб боғланишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Абдуллоҳ Субазмуний яшаган даврда ҳадисларни отадан-болага, авлоддан-авлодга узатиб, ривоят қилиш анъанага айланган эди. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар. Субазмунийнинг асаридаги ривоятлар иснодида отаси ва амакисининг исмлари кўп учраганидан биринчи устози отаси – Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис бўлган деган хулоса келиб чиқади<sup>7</sup>. Бу алломанинг ҳадис билимдонлари оиласида ўсиб камол топганига далил бўлади.

Олимнинг отаси Муҳаммад ибн Яъқубнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида

маълумот йўқ. Лекин у «Кашф ал-осор»да Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Сағир Бухорий (ваф. 876 й.) ва Абу Тоҳир Асбот ибн Ясаъ Бухорийлардан (IX аср) кўп ривоят қилгани ҳақида далиллар учрайди.


Олимнинг яна бир устози – амакиси Жаброил ибн Яъқуб ибн Ҳорис ҳисобланади<sup>8</sup>. Имом Субазмуний “Кашф ал-осор” асарида ундан кўплаб ривоятлар келтиради.

Имом Субазмунийнинг устозларидан яна бири Абу Абдуллаҳ Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Фазл ибн Тоҳмон Шайбоний Бухорийдир (ваф. 919 й.). У Абу Абдуллаҳ ибн Абу Лайс Бухорий номи билан шуҳрат топган, ишончли ровий, тақводор инсон фикҳ олимларидан бири эди.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ибн Ҳаммоид ибн Абдуллаҳ Сиқижақий Бухорий<sup>9</sup> (ваф. 927 й.) ҳам олимнинг устозларидан бўлгани айтилади.

Табақот йўналишидаги асарларда Абдуллоҳ Субазмуний ҳадис ривоят қилган ёки ҳадис эшитган кўплаб алломаларнинг номлари зикр этилган. Уларнинг аксариятини бухороликлар ташкил қилса-да, «Кашф ал-осор» асарида термизлик ровийларнинг номлари ҳам зикр этилган.

Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 972 й.), Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон ибн Муҳаммад ибн Нуҳ Муҳаллаби Хатиб Бухорий (ваф. 1005 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон Хатиб Муҳаллаби, муфтий Абу



Муҳаммад Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мусо Миғий (Манғий)ни Абдуллоҳ Субазмунийнинг шогирдлари бўлган.

Манбаларда Абдуллоҳ Субазмунийнинг бир неча асарлар муаллифи экани қайд этилган<sup>10</sup>. Бироқ ҳозирда унинг икки асаригина маълум. Бири «Муснад Аби Ҳанифа» ёки қисқача – «Муснад», иккинчиси «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа», қисқача – «Кашф ал-осор» деб юритилади. Бироқ «Муснад Аби Ҳанифа»нинг Ўзбекистондаги нусхалари ҳақида маълумот йўқ.

«Муснад» асарини кейинчалик бошқа ханафий муҳаддислар қайта ишлашган. Мусо ибн Закариё ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Хасфақий (Хаскафий) Қозий



<sup>1</sup> Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. “Ал-Ансоб”. Байрут. “Дор ал-кутуб ал-илмийя”. 1998. 1-ж., 6-б; Абдулқодир Қураший. “Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ханафийя”. Қоҳира. “Ҳижр”. 1993. 1-ж., 5-б; Ҳожи Халифа. “Кашф аз зуннун ан асомил кутуб вал фунун”. Истанбул. “Мактаба Ибн Таймия”. 1941–43. 2-ж., 435-б; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Заҳабий. “Сийар аълом ан-нубало”. Байрут. “Дор ал-фикр”. 1996. 1-ж., 12-б; Ўша муаллиф. “Мизон ал-ийтидол фи нақд ар рижол”. Нашр жойи кўрсатилмаган. “Дор ихё ал-кутуб ал-арабийя”, 1963. 2-ж. 496-б; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. “Ал-Фавоид ал баҳийя фи тарожи ал-ханафийя”. Байрут. 1998; Ибн Кутлбуғо. “Тож ат-тарожи фи табақот ал-ханафийя”. Бағдод. “Мактабат ал мусанно”. 1962. 30-б; Муҳаммад Зоҳид ибн Ҳасан. “Таъниб ал-Хатиб ала ма сақах фи таржамат Аби Ҳанифа мин ал аказиб”. Шаҳри кўрсатилмаган. “Мактаба азҳарийя”. 1998. 112-б; Ибн Ҳажар Аскалоний. “Таъжил ал-манфаъа”. Хайдаробод. “Доира маъориф низомийя”. 1324 х. 5-б; Абдулхай ибн Имод Ханбаллий. “Шазарот аз заҳаб фи ахбар ман заҳаб”. Байрут. “Мактаба тижарий литибата ва нашр ва тавзий”. 2-ж, 357-б; Муҳаммад Наршахий. “Бухоро тарихи”. /А.Расулов таржимаси. Т. “Камалак” 1991 Нажмиддин Насафий. Самарқандия / Тарж. Усмонхон Темурхон ўғли, Бахтиёр Набихон ўғли. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2001. 72-б.

<sup>2</sup> Нажмиддин Умар Насафий. “Ал-Қанд фи зикр уламо ас Самарқанд”. Нашр жойи кўрсатилмаган. 195-б.

<sup>3</sup> Абдулкарим Самъоний. “Ал-Ансоб”. Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”. 1998. 1-ж., 133-б.

<sup>4</sup> Қураший. “Ал-Жавоҳир ал-Музийя”. Қоҳира. 1993. 3-жуз. 300-б.; Бағдодий. “Тарихи Бағдод”. Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”. Нашр йили кўрсатилмаган. 10-ж., 92-б.

<sup>5</sup> Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. “Ал Фавоид ал-баҳийя”. Байрут. 1998. 178-б.

<sup>6</sup> Юз мингдан кўп ҳадис биладиган муҳаддислар.

<sup>7</sup> Абдуллоҳ Субазмуний. “Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа”. ЎЗР ФАШИ. Қўлэзмалар фонди. 3105-рақамли қўлэзма. ба-варак.

<sup>8</sup> Ўша китоб. 7а-варак.

<sup>9</sup> Абдулкарим Самъоний. “Ал-Ансоб”. Байрут. “Дор ал-кутуб ал-илмийя”. 1998. 3-ж. 288-б.

<sup>10</sup> Йўлдошев Н., Қурбонов Х. “Бухоро шаҳри ва унинг агрофидаги зиёратгоҳлар тарихи”. Бухоро. Бухоро нашриёти. 2001. 10-б.; Муҳаммад Амин Урказий. “Масонид имам Аби Ҳанифа”. Қарочи: “Батрак Сентр”. 1978. 105-б.; Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. “Мизон ал-ийтидол фи нақд ар рижол”. Шаҳри кўрсатилмаган. “Дор ихё ал-кутуб ал-арабийя”. 1963. 2-ж., 496-б.; Абдулқодир Қураший. “Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ханафийя”. Қоҳира. “Ҳижр”. 1993. 3-ж., 344-б.



Садруддин (ваф. 1252 й.) буюк аждодимизнинг асарини мухтасар ҳолатга келтирган. Бу асар кўлёмаси Азҳар университети кутубхонасида «инв. № 311832» рақами остида (176 варақдан иборат) сақланади ва «Ҳофиз Абу Муҳаммад ал-Ҳорисий муснади» деб аталади.

Ушбу «Муснад»нинг мухтасарида беш юздан ортиқ ҳадис бор. Уни «Синдий муснади» деб ҳам аташади. Бу асарга Али Қорий ёзган шарҳни биринчи марта Ҳиндистонда 1894 йили Ҳаравий нашр эттирган<sup>11</sup>. Синдийнинг ўзи ҳам асарга «Ал-Маваҳиб ал-латифа фил ҳарам ал-Маккий би шарҳ Муснад ал-имом ал-Хасфакий» («Имом Ҳасфакий муснади шарҳи билан Макка ҳарамига латиф совға») номи билан шарҳ ёзган.

Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Жамолуддин Кунёвий Дамашкий (ваф. 1369 й.) ҳам Абдуллоҳ Субазмунийнинг асарини мухтасар қилиб, «Ал-Муътамид мухтасар ал-Муснад» («Муснаднинг мухтасари таянч») деб номлаган<sup>12</sup>. У асарни фикҳий масалалар тартибига кўра ўттиз уч бобга бўлиб, сўнгра уни «Ал-Мустанид шарҳ ал-Муътамид» («Муътамиднинг шарҳига таянч») номи билан шарҳлаган.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» асари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шундай бўлсада, Имом Субазмуний «Муснад»ини замондош олимларимиз ҳам тадқиқ қилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Синдий асарида зикр этилган, ровийларни чуқур ўрганиш юртимиздан етишиб чиққан ҳанафий муҳаддислар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

**Дониёр МУРОДОВ,**  
тарих фанлари номзоди

<sup>11</sup> Ўша асар. 138-б.

<sup>12</sup> Ўша асар. 143-б.

## ГЎЗАЛ ХУЛҚ КОМИЛЛИКДИР

Гўзал хулқ билан кишининг имони мукамал бўлади. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси мўминнинг имони комил ҳисобланади”, деб сўрашганида: “Гўзал хулқли мўминнинг”, деб жавоб берганлар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Гўзал хулқли киши тунлари бедор, кундузлари рўзадор бўлган одам даражасини кўлга киритади, деган ривоятлар ҳам бор. Энг гўзал хулқ эгаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: «**Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз**» (*Қалам, 4*). У зотнинг ўзлари ҳам: “Мен яхши хулқларни камолига етказиш учун юборилдим”, деганлар. Ҳазрати Ойшадан (розийаллоҳу анҳо) Пайгамбаримизнинг ахлоқлари ҳақида сўрашганида: “Ахлоқлари Қуръон эди”, деб жавоб қилганлар. Шу сабабли у зот барчага ўрнак бўлиб, Аллоҳга яқинликни ва охират саодатини истовчилар учун намуна эдилар. Расулуллоҳнинг гўзал хулқларидан ибрат олганлар улуғ ажр ва мукофотларга эришадилар.

Гўзал хулқ, юксак маънавият аждодларимиздан мерос. Бу эзгу қадрият бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Масалан, йўл четида кўчани кесиб ўтиш учун шайланиб турган кекса отахон ёки онахонларни кўрсак, дарҳол уларга кўмаклашишга уринамиз. Автобуста кетаётган ёшлар ўзидан катталарга жой беришади. Бири-биримизга салом беришимиз, Аллоҳ таолодан тинчлик, раҳмат ва мағфират тилашимиз ҳам чиройли хулқ кўринишларидир. Бу ҳолатлар динимизда инсон қадри нақадар улуғланишига далилдир.

Умар ибн Хаттобнинг (розийаллоҳу анҳо) тунда уйқудан воз кечиб, кўчаларни айланадиган одади бор эди. У киши аҳоли хотиржамлигини ўйлар ва одамларнинг ташвишлари билан яшар эди. Бир кунни алламаҳалда бир уйдан ингроқ овози эшитилади. Яқинроқ бориб билса, тўлғоқ тутаётган аёл оғриқдан инграётган, ён-атрофдан ёрдам кутаётган экан. Халифа тез уйига қайтиб, аёлини бошлаб келади. Хотини доялик қилади, ўзи эса кўзи ёриган аёлга овқат пиширади.

Бу динимиз тарихида бўлиб ўтган воқеалардан бири. Унинг замирида инсон тақдири, келажак авлод ҳаётига ғамхўрлик ётгани яхши маълум. Ҳазрат Умарнинг (розийаллоҳу анҳо) бундай халқпарварлиги ҳалиханузгача мусулмонлар учун гўзал намуна бўлиб келаётир.

**Миродил МИРЖАЛИЛОВ,**

Қибрай тумани “Дўрмон” жоме масжиди имом-хатиби



## МОМОЛАРИМИЗ АЙТАДИ...



Жим оқар сув тўғон бузар.

\*\*\*

Тишлонғич йилки тишини  
кўрсатмайди.

\*\*\*

“Ерга боқар” дан ер ҳам кўркади.

\*\*\*

Чумчук уясида ўзини қарчиғай  
санайди.

\*\*\*

Овули яқин ит қашқирдан  
кўркмас.

\*\*\*

Душман дўст орасидан чиқади.

\*\*\*

Қуннинг ғами – саҳардан,  
Йилнинг ғами – баҳордан.

\*\*\*

Оч товукнинг тушига дон киради.

\*\*\*

Чикмаган офтобга исинма.

\*\*\*

Кўк хидини олган сигир  
бойлоқда турмас.

\*\*\*

Узун сўзнинг маъноси қисқа.

\*\*\*

Ердан айрилсанг ҳам элдан ай-  
рилма.

\*\*\*

Кўринган тоғнинг йироғи йўқ.

\*\*\*

Кўноқ келса, кут келар.

\*\*\*

Обрўнинг онаси – меҳнат, ота-  
си – ақл, ҳаракат.

\*\*\*

Осон ишнинг охи бор.

\*\*\*

Эринг берган маҳргамас,  
меҳрга боқ.

*Жомбой тумани  
Гул қишлоғилик*

*Чиннихон аядан ёзиб олинди.*

**Б**олалигимизда отам раҳматлидан кўп  
насихат эшитардик. Лекин у пайтлари  
“Ҳали ҳаёт ўзи сизларга сабоқ беради” деган  
сўзларини безубор оламимга ҳеч сиздиролмаган  
эдим. Албатта, тушунмаганимдан.

## КИЧИКЛИКДА КАТТАЛИК

Мана, катта бўлдим,  
ўқидим, турмуш курдим,  
фарзандлиман... Хуллас, эн-  
ди елкамда кўп нарсалар-  
нинг масъулияти бор. Ле-  
кин ҳаёт мактабида ҳали  
ўқувчиман, сабоқ оляп-  
ман, турмушнинг ўнқир-  
чўнқир сўқмоқларини  
ҳам кўряпман. Одамлар-  
ни танияпман. Бу дунё-  
да шунчаки кулиб ҳам,  
йиғлаб ҳам бўлмаслигини  
англадим. Эҳтиёт бўлиб  
сўзлашни ўргандим. Отам-  
нинг ўша ўғитлари маънола-  
рини энди-энди англаяпман.  
Сўнгги пайтларда “кички-  
на бўлиб яшаш” қоидасини  
ўзлаштиряпман.

Жуда катта ва кенг бўлиб  
кўринган дунё баъзан бу-  
нинг акси экан. “Катта”лик  
қилсанг, сени сиғдиролмай  
коларкан. Бу ҳаётда тинч,  
осуда бўлишни истасанг,  
ҳаловат топай десанг, кичик  
бўлиб яшаш энг яхши йўл  
экан. Тақдир мувозанати-  
ни камтарлик билан қарор  
топтириш мумкинлигини,

ҳаётда зарра бўлсам ҳам ни-  
шоним бўлишини англадим  
ва ишондим.

Оила кўрғони ҳам кат-  
та кўринса-да, шифти паст,  
йўлаклари тор... сал тепага  
бўй чўзсанг, тақ этиб бошинг  
тегади. Қулочингни бемалол  
ёяолмайсан. Қадамингни  
ҳам ўйлаб, авайлаб босар-  
кансан. Аммо катта ишлар  
қаршисида яшайсан. Шун-  
дай экан, улуғвор ишларни  
кичик бўлиб ҳам удаласа  
бўлади.

Ташқарида ҳам баланд-  
пастликлар кўп. Турли тои-  
фа кишилари ҳаёт тақозоси  
билан бизга суҳбатдош,  
таниш-билиш, баъзан  
мақсаддош. Лекин бу ер-  
да ҳам “катта” бўлиш жу-  
да ёмон. Биргина эҳтиётсиз  
қадам, кибрли хатти-ҳаракат  
сабаб, ҳаётинг чирпирак  
бўлиши ҳеч гап эмас!

Отам бу қоидани яхши  
билган эканлар. Катта ис-  
теъдод эгаси, юксак ғоялари  
бор инсон эдилар, аммо бир  
умр “кичик” бўлиб яшади-  
лар. Кичик дунёларидан кат-  
та хотира қолди. Бу ҳикмат  
зиёси умрларини чароғон,  
ҳаётларини фароғатли эт-  
гани аниқ. Аллоҳ раҳматига  
олсин.

Зебунисо ХУСАЙН

*Мирзо Умар Дарбандий (Хўшачин) 1910 йили Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғида туғилган. Бошланғич таълимни эски мактабда олгач, Қори Миёнжон, Домла Девонқул, Мулла Муҳаммадқуд ва Қори Абдуҳафиз каби ўша даврнинг олим, фозил кишиларидан қироат, тафсир, фикҳ, ҳадис ва сарфу наҳв илмларини ўрганган. Мустабид шўролар тузумининг шафқатсиз сиёсати Мирзо Умар ҳаётини ҳам зимистонга айлантирди. 18 ёшида уни бойнинг, мулланинг ўғли деб, қамашади. Кўп йиллар сургун ва тутқунликда бўлган Мирзо Умар 1945 йили авф этилади. Аммо ундан кейин ҳам тазйиқу қувгинлардан қутулмайди. Хожа Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил, Машираб ва Сўфи Оллоёр меросини катта қизиқиш билан ўрганади. Мирзо Умарнинг газал ва мухаммаслари мазмундорлиги ва мусиқийлиги билан ажралиб туради. Уларда Қуръони карим оятлари, ҳадис ўғитлари, тасаввуф ҳикматларининг таъсири нақадар кучли эканини кўрамиз. 2001 йили шоирнинг “Муножот” номли тўплами чоп этилган.*

**Жаъфар МУҲАММАД**

## МИРЗО УМАР ДАРБАНДИЙ

### *Фазлингни тобон эт*

Дари раҳмат очиб, ё Раб,  
улуғ фазлингни тобон эт,  
Сўниб қолган чироғимни  
карам бирлан дурахшон эт!

Кўтарсам орқалаб,  
хурматларини жобажо қилсам,  
Муяссар айласанг шояд,  
ғариб кулбамга меҳмон эт!

Агарда топмасам ҳаргиз  
сўроқлаб меҳрибонимни,  
Мозоридин насиб айлаб,  
Илоҳо, Сен намоён эт!

Аламда ўртаниб, қаддим букилди,  
манга йўқ чора,  
Ўзинг раҳм айлабон, ҳозик табибим,  
чора-дармон эт!

Карими корсозо,  
бу ғарибнинг ҳоли зорига  
Мурувват қил, Ўзинг матлубига еткур,  
гулистон эт!

Муяссар айласанг йўқни  
килурсан қайтадан барпо,  
Намозу рўзаю ҳажжин қабул айлаб,  
чароғон эт!

Агар бул Хўшачин борса ёруғ  
юз бирла қошинга,  
Сифотинг, бирлигинг ҳаққи,  
ҳисоб анжомин осон эт!

### *Нури чашмонимга айт*

Қоғазо, борсанг саломим  
дўсти жононимга айт,  
Сирру аҳволимни сен ул  
бевафо хонимга айт.  
Гар борарсан шул томон,  
фарзанди нодонимга айт,  
Қайта-қайта ёзганимни  
барча ёронимга айт,  
Қалб сўзимни бориб ул  
моҳитобонимга айт.

Эй дилим, дунё ўтар,  
дўст излабон жон қил фидо,  
Дўстий ноний тил билан  
сан изла дўсти бериё.  
Дўсти жон топма эсанг,  
бўл қалбаки дўстдин жудо,  
Дўсти жонийдин ҳазар  
қилма агар қилса хато,  
Бул каломимни бориб,  
ул нури чашмонимга айт.

Кўп эрур инсон ва лекин  
излабон фарқини бил,  
Ҳар кишининг ўз мақомига  
қадам қўй, фикр қил,  
Тонмасалар айбини айтиб,  
паришон қилмагил,  
Дўсти жоний ҳеч топилмас,  
дўсти ноний бўлмагил,  
Хўшачин, бу сўзларингни  
қалби нолонимга айт.



## Кўп доғу армон манда бор

Мақсудимга етмасам гар,  
доғи армон манда бор,  
Шул алам бирлан агар ўлсам,  
на дармон манда бор.  
Ёру дўстимдан адашдим,  
манга йўқдур ичкуяр,  
Найлайин бахти, қароман,  
доғи хижрон манда бор.

Ўз қўлумда мени ҳам  
кўб ихтиёрим бор эди,  
Давлатимни ёзида бир  
нечалар дилдор эди.  
Кўп қариндошу уруғлар,  
ҳар бири ғамхор эди,  
Вой, бул вайрона уйда  
чашми гирён манда бор.

Кетди бори ичкуяр,  
дардимга дору қолмади,  
Ҳеч дўст холин нечук деб  
бир келиб ҳол сўрмади.  
Вой, эсиз ўткан ҳаловатлар  
насибим бўлмади,  
Йиғламай найлай бу кун,  
чоки гирибон манда бор.

Кўл солиб ҳар кўчада  
юрмокқа ҳолат манда йўқ,  
Телбалардек дарбадарман,  
ҳеч бизоат манда йўқ.  
Танда роҳат, белда қувват,  
ҳеч фароғат манда йўқ,  
Булбули саргаштадек  
юз оху афғон манда бор.

Хўшачин, бахту саодатга  
қувонма, йўл узок,  
Бандалик қил, бандалик қил,  
йўлда юз мингдур тузоқ.  
Телба чашминг ётди ғафлатда,  
буён солгил кулоқ,  
Шукрлар қилгил шод бўлки,  
имон манда бор.



## ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ХУТБАСИ

Баҳиладан (розийаллоху анху) ривоят қилинади:  
“Ҳазрати Умар (розийаллоху анху) Шомга келган-  
ларида Жобия мавзеида хутба ўқиб, бундай деди:  
–Эй инсонлар! Аллоҳнинг Китоби – Қуръонни  
ўрганинглар, у туфайли танилгайсиз. Унга амал  
қилинглар, унга лойиқ бўласиз. Зеро, ҳеч бир ҳақ  
эгаси Аллоҳга маъсият қилиб, Унинг амрига бўй-  
сунуш даражасига ета олмаган.

Ҳақ сўзни айтиш кишининг ажалини яқин-  
лаштирамайди, ризқини узоклаштирамайди. Би-  
линглар, банда ва ризқи орасида бир парда бор.  
Агар у сабр қилса, ризқи унга келади. Агар сабр  
килолмай, пардани мажбурлаб очмоқчи бўлса,  
ҳам парда йиртилади, ҳам  
ризқидан бебаҳра қолади.

Отларни яхши парва-  
риш қилинг. Ўқ отишни  
ўрганинг. Ялангоёқ юринг.  
Мисвок ишлатинг. Румлик-  
ларнинг ахлоқидан ўрнак  
олманг. Қўпол инсонлар  
билан ҳамсухбат бўлманг.  
Ҳаммомга яланғоч кирманг.

– Эй инсонлар! Билин-  
глар, Аллоҳ таоло уч ки-  
шини оқламайди, юзларига қарамайди, Қиёмат  
куни уларни Ўзига яқин тутмайди. Булардан би-  
ринчиси, бировни бошлиқ қилиш мақсадида ду-  
нё манфаати учун ёклаган ва ундан истаганини  
олганида уни мақтаган, орқасидан эса ёмонла-  
ган кимсадир. Иккинчиси эса, нарсаларини со-  
тувга чиқариб: “Аллоҳга қасам, менга мана шу  
нархда оламан дейишди, лекин бермадим”, деб  
мол сотган савдогар. Учинчиси, мусулмонлар-  
ни сўкадиган фосиқ кимсадир.

– Эй инсонлар! Гоҳ сеҳрга, гоҳ коҳинга, гоҳ фол-  
чига бориб, уларнинг “хабар”ларига ишонган ким-  
са Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари Муҳаммадга  
(соллаллоху алайҳи ва саллам) нозил бўлганларни  
инкор этган бўлади”.

“Ал-Канз”, “Ҳаётус саҳоба” китоблари асосида

**Сумайро АБДУМУРОД қизи**

тайёрлади.



## АСАБИНГИЗНИ АСРАНГ



Инсон асабийлашса мия, жигар, буйрак ва юракка озука ташувчи йўллар бўғилади. Кўз қорачиғи кенгайиб, юрак уриши тезлашади. Бундай вақтда жигардан углеводлар (зарарли суюқлик) ажрала бошлайди. Аъзоларнинг бундай пала-партиш ишлаши кўп касалликларнинг (стенокардия, инфаркт, инсулт) келиб чиқишига сабаб бўлади.

Чехраси очик, салга аччиғи чикмайдиган одамлар руҳан ва жисмонан тетик бўлишади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам) ғазабланган пайтда ўтириб олишни, яна босилмаса, ётиб олишни ёки таҳорат янгилаб, икки ракат намоз ўқишни тавсия қилганлар.

Нерв толаларининг узилиши аъзоларимиздаги озиқ моддалар камайишига, ҳолсизликка олиб келади. Масалан, жисмимизда калсий моддаси етишмаса, мушакларимиз оғриб, суякларимиз мўрт бўлиб қолиши мумкин. Юзимизга табассум қайтиши биланок, миямиз тажангликни сўндирувчи моддалар ишлаб чиқара бошлайди.

Мунтазам бадантарбия қилиш, очик ҳавода айланиш, айниқса, уйқуга ётишдан олдин беш-ўн дақиқа юриш жуда фойдали. Табиат қўйнига чиқиб завқланиш, вақти-вақти билан тоза сув ҳавзаларида чўмилиб туриш ҳам керак. Шунингдек, озукага бой овқатларни меъёрида ейиш яхши. Эзгу ният, чиройли сўз, яхши амал, ота-она, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар билан яхши муносабат ҳам асабларимизга тинчлик беради, мустаҳкамлайди. Демак, имкон борича турли асаббузарликларнинг олдини олишга интилишимиз, яхшиликка ишонч, келажакка умид билан яшашга ўрганишимиз зарур.

Парда ЖўРАЕВ,  
кардиолог

### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари – «Хидоят» журнали ва «Ислому нури» газетасига, уларнинг қорақалпоқча иловаларига 2012 йил учун обуна давом этмоқда. Республикаимизнинг барча алоқа бўлимларида ва жойлардаги масжидларда обуна бўлишингиз мумкин. Обуна учун тўлов пластик карточкалардан терминал орқали ҳам қабул қилинади.

Нашир кўрсаткичлари:

«Хидоят» – 1034, 1051

«Ислому нури» – 195

Қорақалпоқча иловалар – 1035

